БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 16 май Чоршанба
№ 92 (13.528). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон истиқболи: муаммолар ва режалар

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг жумҳуриятдаги ёш иқтисодчи олимлар билан учрашуви жумҳуриятнинг бўлажак иқтисодий масалаларига, бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик кўриш муаммоларига бағишланди.

Учрашувда келгусида хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтишга қизғин тайёргарлик бораётганлиги айтиб ўтилди. Аҳолининг энг кам таъминланган тоифалари — пенсионерлар, кўп болали оилалар ва талабаларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш зарурлиги ана шу муаммонинг ўзагидир.

Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг, давлат план комитетининг мутахассислари бозор муносабатларини жорий этиш шароитида халқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар лойиҳасини тақдим этдилар.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ўз нутқида жумҳурият иқтисодиётини такомиллаштиришга барча кучларни сафарбар этиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бу ишга расмий идоралардан ташқари, олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг мутахассислари фаол жалб этилиши лозим. Ёш иқтисодчиларнинг ташаббускорлиги ва фидойилигидан фойдаланиш жуда муҳимдир.

Ишлаб чиқаришни кучайтириш, ички имкониятларни қидириб топиш, жумҳурият бюджетидаги камомадни тугатиш вазифалари, ташқи бозорга чиқиш имкониятлари ва бошқа вазифалар энг долзарб муаммолар қаторида тилга олинди.

Иқтисодиётни такомиллаштириш учун хўжалик юритишнинг ижара каби илғор усулларини, қўшма корхоналар тузишни кенгайтириш муҳимдир. Халқ истеъмоли моллари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш устун йўналиш бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Мулкчилик, ер ва ердан фойдаланиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва хўжалик юритиш тўғрисидаги қонунларни, дейилди учрашувда, жумҳурият шароитига мослаштириб кўриб чиқиш зарур. Бу қонунларнинг ҳаммаси жумҳурият халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилиши керак.

Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга кўмаклашадиган тадбирлар орасида акционерлик жамиятларини, эркин омилкорлик зоналарини — масалан, туризм яхши ривожланаётган вилоятларда тузиш айтиб ўтилди. Миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш, бунда уларнинг ҳам мамлакатдаги, ҳам чет эллардаги ўқув юртларига ва корхоналарига юборишдан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Жумҳурият тараққиётининг истиқболларини фақат ССР Иттифоқи федерациясида, мамлакатнинг ягона халқ комплекси доирасида алоқаларни янада кучайтириш орқалигина таъминлаш мумкин, деб таъкидланди учрашувда.

Ўзбекистон ССР давлат план комитети ҳузурида бозор иқтисодиёти, регионал муаммолари идоралараро жамоатчилик институтини тузиш таклиф қилинди. Бундан мақсад — халқ хўжалигини бошқаришнинг демократик негизларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ривожлантиришга доир таклифларни ишлаб чиқишга жамоатчиликнинг кенг доираларини ва мутахассисларни жалб этишдир.

Жумҳурият Президенти нутқининг ниҳоясида ёш иқтисодчи олимларнинг кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



Биров билади,
биров эса бехабар.
Лекин чорвадорга
барибир оғир.
У қишда
ёзнинг ғамини ейди,
Баҳорда эса
кузнинг.
Йил 12 ой тиним
билишмайди.
Югургани югурган.
«Москва» давлат хўжалиги
фермасидаям аҳвол шу.
У ерда
400 бош қорамол бор.
Шундан 156 боши сигир.
Шоҳиста Анабоева
ўша ерда
соғувчи бўлиб ишлайди.
У биринчи квартал
режаларини
анча яхши якунлади.
772 килограмм сут
соғиб,
давлатга топширди.

СУРАТДА: соғувчининг бир лаҳзаси акс этган. Калинин ноҳияси.

В. ТЎРАЕВ суратга олган.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧДА

Сурхон воҳасининг жанубий ноҳияларида пилла қурти боқиш мавсуми ниҳоясига етмоқда: қуртлар пилла ўрай бошлади.

Бу ерда озуқа тайёрлаш тўғрисида камроқ қайғурадиган бўлиб қолдилар, лекин кунлар бирдан исиб кетиши билан янги ташвишлар ҳам юзага келди. Ҳозир ҳавонинг иссиқлик даражаси пилла қурти нормал ривожланиши учун зарур иссиқликдан 8 — 10 даража юқори бўлмоқда. Пиллачилар сўкчакларни муттасил шамоллатиб туришга алоҳида аҳамият беришмоқда, унчалик мураккаб бўлмаган мосламалар ёрдамида зарур намликни таъминлаб беришмоқда.

Пилла қуритиш қурилмаларининг ходимлари янги ҳосилни қабул қилиб олишга қаттиқ тайёргарлик кўришмоқда. Тарозилар, маҳсулотни дастлабки тарзда ишлаш ва сақлаш бинолари тартибга келтирилди. Чунки дастлабки пилла бир ҳафтадан кейиноқ олиб келина бошлайди.

Тоғли Бойсунда эса пилла қуртини боқишга эндигина киришдилар. Бир неча ўн қути пилла уруғи ҳали ҳам инкубаторларда сақланмоқда. Водий зонасидаги хўжаликлар аввалги йиллардаги каби бу гал ҳам фойдаланилмай қолган озуқа — тут баргини бойсунликлар билан баҳам кўришади. (ЎзТАГ).

Жумҳурият янгиликлари

✦ СИРДАРЁ вилоятининг электр тармоқлари корхонасида бошқарувнинг автоматлашган системаси жорий этилди. У ахборотларнинг ўз вақтида пишиқ-пухта, аниқ берилишига, қўйилган вазифалар тезда ҳал қилинишига кафолат беради.

Бошқарувнинг автоматлашган системаси мажмуига программ таъминоти бўлган еттита электрон ҳисоблаш машинаси киради. Электроника электр тармоқлари ҳолатини ўз назоратига олди, ҳар қандай носозликлар ҳақида шу заҳотиёқ хабар қилади. Бу ерда истиқболда телемеханика ҳам жорий этилади. У бошқарувнинг автоматлашган системаси билан биргаликда кичик станциялар пухта ишлашини таъминлайди.

✦ «УЗАВТОТРАНСТЕХНИКА» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 145-юк автотранспорти корхонаси ҳайдовчиларининг иш ҳақи ўртача 90 сўмга кўпайди. Коллектив хўжалик ҳисобининг иккинчи андозасига ўтганлиги туфайли ана шу нарсага эришиш мумкин бўлди.

Ишлар ҳажмини неча киши бажарганлигидан қатъий назар бир сўм даромад ҳисобидан иш ҳақининг қатъий нормативлари шароитида ишлаш бу ерда фойдали бўлиб қолди. Энди бунда ҳамма нарса: машинанинг юк билан қатнаши, ёқилғи сарфи, рейсларнинг самарадорлиги ҳисобга олинади. Янги усулда қўшиб ёзишлар бутунлай истисно қилинган. Натижада автомобиль паркидан фойдаланиш самарадорлиги 3,6 фоиз ортди.

Бу ерда автотранспорт корхонаси бошқарув тузилмаларини такомиллаштиришга ҳам янгича ёндашдилар. Колонна бошлиқлари эндиликда, аввал бўлганидек, транспортдан фойдаланиш бўлимининг кўрсаткичларига қараб эмас, балки техника хизмати кўрсаткичларига биноан мукофот оладилар. Техника ва транспортдан фойдаланиш хизмати ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб нархлари ўрнатилди. Янгича ишлаш шароитига ўтказилган ремонтчиларда ҳам ишга қизиқиш пайдо бўлди. Ҳайдовчилар энди ремонтчилар билан чек воситасида ҳисоблашадилар, бу эса слесарлар ва моторчиларнинг пировард натижадан манфаатдорлигини оширади.

✦ ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати иккинчи йигирув-тўқув фабрикасининг ёш ишчиси Фотимахон Исахўжаева мусобақадош дугоналаридан анча ўзиб кетди. У ўз шахсий беш йиллик топшириғини бажаришга яқинлашиб қолди.

Ф. Исахўжаева «Малмал», «Умид», «Тошкент» каби жуда камёб газламалар ишлаб чиқариш участкасида ишлайди. Белгиланган нормага мувофиқ ҳар бир тўқувчи 14 та дастгоҳни бошқариши керак. Фотима эса 24 та машинада ишлайди. Шунинг учун ҳам у белгиланган иш жадвалидан анча ўзиб кетмоқда. Бенуқсон ишлаш ёш тўқувчининг ўзига хос фазилати ҳисобланади. У ускуналарни мустақил созлайди. Январь-апрель ойлари иш якунига кўра, Ф. Исахўжаева энг яхши касб эгаси деб топилди.

(ЎзТАГ).

Иқтисод ва ҳаёт

Нега биз иқтисод устида кўп ўйланиб қолдик? Илгари бу ҳақда кам гапирилганиданми? Асло ундоқ эмас. Ҳаммасига чўнтагимизнинг бўшаб қолгани сабаб.

Ростда. На давлатнинг, на фуқароларнинг ҳамёни бут. Не қилсак бойиймиз?

Ёш, иқтидорли олим Фарҳод РЎЗИЕВ илгари ҳам рўзномамиз саҳифаларида бу ҳақда ўз фикрини билдирган. Бу галги туркум мақолаларида у масалани кескин қўяди. Хўш, қандай қилиб халқ фаровонлигини ошириш мумкин? Жавобини ўқиганлар топишига аминмиз.

ИҚТИСОДИЁТ ВА МИЛЛИЙЛИК

I. «Тўрт аждаҳо»

Бу яқин-яқинларгача мутахассисларга, тўғрироғи, иқтисодчиларга таниш эди. Энди эса улар ҳақидаги хабарлар жаҳоннинг жарида ва рўзномалари саҳифаларида тез-тез учраб турибди. Кўпчиликни ҳайратга солган бу «аждаҳо»лар бизнинг ҳам диққатимизни тортди. Ажабмас, улар бизда ҳам пайдо бўлиб қолса...

Тўртталаси ҳам Осиёда таваллуд топган. Шундан иккитаси Хитойда. Ривожланиши жуда тез. Ҳар йили 8—12 фоизга. Фантастик рақам. Ишонмасангиз, ҳисоблаб кўринг. Бўйи бир метрли бола ҳар йили 10 сантиметрдан ўсса, ўн беш йилдан кейин салкам 4,5 метрга етади. Шу қонуният яна 30 ёки 50 йил, борингки, ундан кейин ҳам сақланиб қолса нима бўлади?

Шу тариқа «аждаҳо»лар ривожлансачи? Унда, ҳолимизга маймунлар йиғлайди. Сиёсатдону мутахассисларни эсанкиратиб қўйган муаммо ҳам аслида мана шу.

Улар эртакдаги афсонавий аждаҳолар эмас. Гонконг (Сянган), Жанубий Корея, Сингапур ва Тайваннинг образли номлари. Шу «тўртлик»ни ўрганган ва билган кишилар уларни «тўрт аждаҳо», «тўрт наҳанг», «тўрт йўлбарс» ёки «янги Япония» деб атайдилар. Бу бежиз эмас, албатта.

Бу «аждаҳо»лар, Япония сингари иқтисодиётда мўъжизалар кўрсатдилар. Улар жаҳон бозорларида энг тараққий қилган давлатлар билан бемалол рақобатлашмоқда, ҳатто уларнинг ҳам бозорларини эгаллаб олмоқда. Масалан, АҚШ бозорларида 46 фоиз кийим-кечак ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда машина техника ва ускуналарнинг 37 фоизи Осиё «аждаҳо»лари улушига тўғри келади. Уларнинг бозори биргина АҚШ ёки Япония билан чегараланмайди. Ҳар жойда чаққон. Дунё экспортининг 8 фоизи улар жумласига тўғри келади. Атиги ўн беш йил бурун эса бу кўрсаткич 2 фоиз эди. Мутахассисларнинг тахминича, янги асрнинг биринчи йилларида «янги Япония» дунё экспортининг чорак қисмини ташкил қилади. Спортда билмадиму, иқтисодиётда буни ҳақиқий рекорд, деса бўлади. «Тўртлик» аслида АҚШ ва Япония ёрдамида дунёга танилиб, ривожланаётир. Энди бўлса, улар Япония ва АҚШ бозорларини жуда чаққон, эпчиллик билан эгаллаб олди. Уларнинг ҳаракати агрессивлиги ва шафқатсизлиги билан ҳам ажралиб туради. Мамлакатлар чўнтагини тез кемиради. Масалан, 1988 йили АҚШ «тўрт аждаҳо»дан 37 миллиард доллар қарздор бўлди. Мана шу юқорида санаб ўтилган хусусиятлар Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань, Гонконгни «тўрт аждаҳо» деб аташга сабаб бўлди.

Бу 4 мамлакатнинг майдонини қўшганда Ўзбекистон ҳудудидан бир неча карра кичик. Сингапур ҳудуди жумҳуриятимизнинг энг кичик вилояти Андижондан етти марта кичик. Аҳолиси эса икки баравардан ошиқ. Гонконг 447,7 марта кичик, аҳолиси эса атиги 3,8 карра кам. Улар орасидаги иқтисодий фарқ ҳам анчагина.

«Аждаҳо»лар турли хил табиий, сиёсий ва иқтисодий шароитда яшайдилар. Гонконгга Буюк Британия губернаторлари хўжайинлик қилишади. Улар Гонконгни Хитойдан 99 йилга ижарага олишган. Шартнома муддати 1997 йилнинг асад ойида тугайди. Шундан сўнг Сянганда Хитой Халқ Жумҳуриятининг суверенитети қайта тикланади. Хитой ҳукумати ва инглиялик губернаторлар келишувига биноан Гонконгда яна ярим аср давомида ҳозирги иқтисодий тузум — капитализм сақланиб қолади. Яъни бир давлат ҳудудида икки хил: социалистик ва капиталистик тузум ёнма-ён ривожланаверади. Сянган асъор (валюта)-молия жараёнларининг етуклиги билан ривожланган капиталистик давлатлар орасида юқори ўринлардан бирида туради. Жимжилоқдеккина бўлган Гонконг туфайли Хитой ўзининг ташқи савдо ишларининг 40 фоизини олиб боради. Бу «наҳанг»нинг иштаҳаси жуда карнай. Фақатгина хориж капиталининг ўзидан йилига 8,0 миллиард долларини «ютиб юборади». Яна унча-мунча давлатларнинг капиталини эмас, АҚШ, Япония, Англия долларини. «Аждаҳо» кўтариб турган юк ҳам анчагина. Унинг елкасида 50 мингга яқин завод, фабрика ҳамда устахоналар, 250 дан ортиқ ҳар хил хориж банклари жойлашган. Солиштириш учун бир далилни эслатиб ўтаман. Жумҳуриятимиз бир йилда жами бўлиб 7 миллиардга яқин капитал маблағни халқ хўжалигига сарф қилади. Сянган бир йилда 2,0 миллиондан ортиқ сайёҳларга хизмат қилади. Ўзбекистон эса... (Бу ҳақда кейинроқ).

Худди шундай Тайвань ҳам хитойликлардан иборат. Улар собиқ хитойликлар ҳисобланади. Уларнинг тақдири инқилоб ва қулоқ қилиш даврларида хорижга қочиб кетган юртдошларимиз тақдирига ўхшейди. 1949 йили Хитойда инқилоб юз берди. Ҳокимият коммунистлар қўлига ўтди. Эски тузум раҳбарлари ва инқилобни ҳазм қилолмаганлар Тайвань оролига қочиб кетадилар. Американликлар ёрдамида ўз ҳаётларини тиклаб олишади. Орол—Хитойнинг бир бўлаги бўлиб, уни Гоминдон тузуми етакчилари Чан Кай-Ши, у ўлгандан кейин эса унинг ўғли Цзязян Цзинго бошқаради.

Тайванда капитализм тараққий қилган. Уни баъзан «йўлбарс» ҳам деб аташади. Унча-мунча давлат «йўлбарс» билан иқтисодиётда беллаша олмайди. Масалан, кейинги ўн йилликларда Тайваннинг ялпи миллий даромадининг ўсиши йилига 10 фоиздан кам бўлгани йўқ. Оролда электроника, радиотехника, асбобсозлик, машинасозлик, автомобилсозлик ва бошқа замонавий меҳнат турлари жуда тараққий қилган. Ҳудуди жумҳуриятимиздан 12,5 карра кичик бўлган Тайвань дунё экспортининг 30 миллиард долларини (Америка долларида) беради. Асосан тайёр маҳсулот сотади. Хитой билан тижоратни Гонконг ва Сингапур орқали олиб боради. Тайвань хорижий асъор бойлиги бўйича тўртинчи ўринда туради (ГФР, АҚШ ва Япониядан сўнг). Оролнинг ижтимоий соҳадаги ютуқлари ҳам беқиёсдир.

Тайванда иқтисодий ёки ижтимоий камчиликни топиш қийин. Лекин сиёсатда камчиликлари кўп. Асосий хитойликлар ороллик билан маданий иқтисодий алоқани яхшилаш, иложи бўлса бирлашиш тарафдори. Бир давлатда икки хил ижтимоий-иқтисодий ҳолат ёнма-ён яшаши мумкинлиги ғоясини илгари сурмоқдалар. Лекин Тайвань бошлиқлари ярашиш сиёсатига қарши. Улар социалистик Хитойни ҳали ҳам тан олганлари йўқ. Ва эски кекни сақлаб юрибдилар. Бу сиёсатдан кўпчилик тайванликлар ризо эмаслар. Чунки, ҳукумат уларнинг Хитойдаги қариндош-уруғлари билан борди-келди, тўй-азага қатнашишларини чеклаб қўйган. Кейинги бир-икки йил орасида Цзязян Цзинго ўлимидан кейин бу ишларда баъзи бир ўзгаришлар бўлди. Лекин буни эски гвардия саркорлари ҳазм қилолмаяптилар. Ва жумҳуриятнинг бу сиёсатини «Коммунистларга ён бериш» деб, унга қарши чиқмоқдалар. Оролдаги ҳозирги сиёсий вазият жўжаси қобиқни ёриб чиқаётган тухумга ўхшайди. Жўжа ривожланган сари пўстлоқни чўқиб аста-секин барибир уни ёради ва кенг дунёга албатта чиқади. Вақти-соати келса бас.

Сингапурнинг ҳам асосий аҳолиси Хитой миллатига мансуб. Капиталистик давлат. Уни бир вақтлар Малайзия султонлари, сўнг Португалия, Голландия, Англия, Япония мустамлакачилари бошқарганлар. Ҳозир у мустақил. Давлат боши — президент. У ҳар тўрт йилда парламент томонидан сайланади.

Сингапур иқтисодиётда мўъжиза кўрсатаётган, «жуссаси» бошқаларидан каттароқ «аждаҳо» ҳисобланади. Чет эл, айниқса АҚШ, Япония, Хитой билан савдо-сотиқ ишлари жуда ҳам ривожланган. Яна бир йилда 55 миллиард долларлик тижорат ишларини олиб боради. Ўзбекистонда бу рақам бор-йўғи 400-500 миллион сўм атрофида турибди.

Сингапур эртак давлат ҳисобланади. Кичик-кичик шаҳар ва қишлоқларнинг меъморчилиги бир-бирини такрорламай, ранг-баранг бўёқлар билан безатилган. Кўчалари шоҳлар юрадиган йўлакларга ўхшайди.

Яқин-яқинларгача Сингапур рақобатлашиш бўйича ривожланаётган мамлакатлар ўртасида биринчи ўринни эгалларди. Ҳозир ҳам салмоқли ўринда. Рақобатчи молларнинг ҳар иккинчиси АҚШ, ҳар учинчиси эса Ғарбий Европа ва бешинчиси Япония бозорларида сотилади.

Жанубий Корея ҳам ўзига хос мамлакат. 1980 йилдан токи яқин вақтларгача уни Чон Ду Хван диктатураси бошқариб келди. Япония иқтисодий моделини америкаликлар орқали ўзлаштирган. Асосан тўқимачилик, электроника, машинасозлик, кимё, нефть кимёси, автомобилсозлик саноатлари тараққий қилган. Кейинги 10—15 йил орасида бу давлат ривожланган капиталистик мамлакатлар орасида мустаҳкам ўринни эгаллаб олди. Бу «аждаҳо»нинг рақобатчи енгил машиналари дунёда энг машҳур «Форд» ва «Тоёта» фирмасини саросимага тушириб қўйди.

«Янги Япония»нинг тўрт ғилдиракли «арава»лари АҚШ ва Япониянинг автомобилларидан салкам икки марта арзон. Чидамлилиги ҳам қолишмайди. Худди мана шу сифатлар «аждаҳо»нинг АҚШ бозоридаги овини кейинги 4—5 йил ичида 6—6,5 карра кенгайтирди. Япония ўзининг Канададаги автомобиль бозорини яқинда «аждаҳо»га топширди ва АҚШдаги пештахталаридан ҳам ажралиб қолиш арафасида турибди.

Жанубий Корея биргина машинасозликда эмас, балки кўпгина бошқа рақобаткаш электроника маҳсулотлари бўйича ҳам дунёда етакчи ўринларга чиқиб олди.

Шундай қилиб, яқин-яқинларгача ҳам ҳеч назар-писанд қилмай юрган, учинчи дунё «аждаҳо»ларнинг даҳшатли нафасини бақувват ва машҳур рақиблар сезиб турибдилар. Тинчлари бузилган. «Аждаҳо»ларга қарши ҳар хил найрангларни ишлаб чиқмоқдалар. «Наҳанглар» ҳам бўш келаётгани йўқ. Бир вақтлари устозлари қўллаган йўлнинг этагини тутиб тобора бозорларини кенгайтириб олмоқдалар. Бунинг моҳияти шундаки, 60-йилларда Япония дунё бозорини эгаллаб олиш учун ўз маҳсулотларини баъзан арзон-гаровга сотиб юборар эди. Худди шундай усулни ҳозирги кунда «аждаҳо»лар муваффақият билан қўлламоқда ва «душман»ни қуролсизлантирмоқда. Ва бу билан улар ҳеч нарса ютқазганлари ҳам йўқ.

«Аждаҳо»лар кўрсатаётган иқтисодий мўъжизаларнинг сабаблари анча. Лекин, фикримча асосийси иқтисодиётнинг миллийлашувидадир. 50-йиллардан, балки ундан ҳам олдинроқ АҚШ, Япония олимлари миллий хусусият, урф-одатларни, анъаналарни иқтисодиётнинг ривожланиши учун асос қилиб олиш назариясини ишлаб чиқдилар. Ва бу моделни (усул) бир неча «учинчи дунё» мамлакатларида, жумладан «тўрт аждаҳо»да синаб кўрдилар.

Осиё халқи энг аввало устозга бўйсуниш қобилияти, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, куч-ғайрат, синчковлик, қўл асабининг нозиклиги билан бошқалардан ажралиб туради. Шу хислатлар иш жойини яратишда, янги завод, фабрика ва корхоналар қуришда ҳисобга олинди. Хориж корхоналари фақатгина «янги Япония» йигит ва қизларининг билак кучига ва ақлига таянадилар. Четдан фақат техника, асбоб-ускуна, қисқаси капитал олиб келдилар. Ишчи кучини «аждаҳо»лар берадилар. Уларнинг кўпчилиги саводсиз эди. Шунинг учун сармоядорлар 60-йилларда мураккаб бўлмаган ишлаб чиқаришни (кийим-кечак, пойафзал ва бошқа буюмлар) ташкил қилди. Бу меҳнат ипидан игнасигача деталлаштирилган бўлиб, амалда ҳар бир ишчи бир неча операцияни ўзлаштириши мумкин.

«Тўрт аждаҳо» янгиликка жуда қайишадиган давлатлардир. Улар илғор тажрибани яшин тезлигида ўзларида йўлга қўядилар. Япония ва АҚШ технологиясидан нусха кўчиришда устаси фаранг. Бу ишлар амалга ошмаслиги мумкин эди, агарда давлат раҳбарлари бунга йўл қўймасалар. «Янги Япония»да давлат сиёсати экспорт молларни ишлаб чиқишни, хориж капиталининг кириб келишини қўллаб-қувватлайди. Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг «учинчи дунё» мамлакатларига чиқарадиган капиталининг ўндан бир қисмини «тўрт аждаҳо» истеъмол қилади. Мана шу юқорида санаб ўтилган омиллар уларнинг иқтисодиётдаги ютуқларини таъминлаб келаяпти. Бу тажрибадан фойдаланиш зарур.

Хитойликлар кўрсатаётган ҳозирги мўъжизалар буни исботлаб турибди. Бу тажриба жуда кўп синовдан ўтган. Аргентина, Канада, Бразилия, шулар жумласига киради. Булар мисолида «қора аждаҳолар» Кения, Маврикий, Осиёнинг «кичик аждаҳо»лари — Филиппин, Малайзия ва бошқалар ҳам қадам қўймоқдалар. Бизда ҳам ақл билан иш кўрилса, «аждаҳо», «йўлбарс», «янги Японлар»нинг кўп фойдали тажрибаларини муваффақият билан амалга ошириш мумкин. Бунинг учун идеалист эмас, материалист бўлса етарли. Буни Мао Цзэ-дун билан Дэн Сяопин тажрибалари орқали яққол тасаввур қилиш мумкин. Биринчиси коммунизмга қараб «катта сакраш» ва «маданий инқилобни» амалга оширди. Ерлар, ишлаб чиқариш қуроллари умумлаштирилди. Ҳамма нарса, ҳаёт ва сиёсат коммунизмлаштирилди. Натижа — очлик, қашшоқлик. Бу 1949 йилдан 1978 йилгача, салкам 30 йил давом этди. Шундан сўнг навбат Хитой иқтисодий ислоҳотининг меъмори Дэн Сяопинга келди. У нималарни амалга оширди? Қишлоқда ерларни оилаларга ижарага берди. 98 фоиз ер якка оилавий пудрат аъзоларининг ихтиёрида. Ислоҳотнинг иккинчи йўналиши эса очиқ эшиклар сиёсатидир. Яъни хориж капиталининг кириб келишига ижозат берилди. Натижа, 1980 йил камбағал деҳқонлар сони жамики 61,6 фоизни ташкил қилса, бу рақам бор-йўғи олти йил оралиғида салкам олти марта камайди. Баъзи бир ҳолларда ижара ерларидан олинган даромад мамлакат бўйича деҳқонларнинг ўртача даромадидан 8 карра кўпдир. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси 1985 йилда ҳал этилди. Бу Хитойдек аҳолиси кўп мамлакат учун жуда яхши натижадир.

Бизда баъзи бир ўртоқлар ижара ишсизликни келтириб чиқаради, деб ўйлайдилар ва унга қаршилик қиладилар. Хитойликлар бу муаммони қандай ҳал қилмоқдалар? Уларда ҳам ишсизлик жуда кўпку. Хитой қишлоқларида 370 миллион меҳнатга лаёқатли киши ислоҳотгача ишсиз эди. Ҳозир қишлоқ жойларида 80 миллион кишилик иш жойи пайдо бўлди. Қандай қилиб? Қишлоқда етиштирилган маҳсулотлар ўша жойнинг ўзида қайта ишланади. Ҳар хил ҳунармандлар буюмлари, музқаймоқ, ичимликлар, шарбатлар, колбаса, қаймоқ, қатиқ ва ҳоказо ишлаб чиқарадиган цехлар, завод, фабрикалар қурилди. Ижарачи ўз еридан йил давомида ҳар хил сабзавотлар, полиз маҳсулотлари етиштиради. Булар ҳаммаси ортиқча меҳнат ресурсларини ямлаб кетмоқда.

Ислоҳотнинг иккинчи йўналиши — очиқ эшиклар сиёсати ҳам ўз натижасини берди. Хитой тамғасида ишлаб чиқилган маҳсулотларни дунёнинг ҳар бурчагида учратиш мумкин. Ушбу сиёсат бўйича Хитойни 14 шаҳари, вилояти тўғридан тўғри хориж билан савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатган. «Очиқ» шаҳарлар орасида энг йириги ва ривожлангани Шанхайдир. 12 мингдан ортиқ корхонада пойафзалдан тортиб самолётгача ишлаб чиқарилади. Шу боис аҳолининг турмуш тарзи мамлакат бўйича энг юқори кўрсаткичга чиққан.

Албатта очиқ эшик ёки деразадан ҳар хил пашша ва чивинларнинг ҳам учиб кириши табиий. Лекин уларга қарши курашишнинг йўллари кўп.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ИСТЕЪДОДЛАР БОР. УЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ УЧУН МАБЛАҒ КЕРАК

Улуғбек номли Ўзбекистон жумҳурият фонди — истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш хайрия фонди шу мақсадда тузилган эди. Янги фонднинг ҳамраисларидан бири, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг илмий, инженер ва бошқарув кадрларини тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Тошкент машинасозлик конструкторлик бюросининг бош конструктори Ш. А. ВОҲИДОВ шу фонднинг вазифалари ва иши ҳақида сўзлаб берди:

— Биз кўпинча нима учун Ўзбекистонда буюк авлодларимиз билангина фахрлана оламиз, дея ажабланамиз. Ҳозир катта илмий ютуқларнинг камлигидан, жаҳонга машҳур олимларнинг йўқлигидан ҳайрон бўламиз. Ахир аслида, бизнинг заминимизда истеъдодли кишилар дунёга келишдан тўхтаб қолмаганку, бундай одамлар шаҳарларда ҳам, энг кичик қишлоқларда ҳам кўплаб топилади. Лекин уларни излаб топиш, уларга ўз қобилиятларини ривожлантиришда, билим олишда кўмаклашиш керак. Бизда узоқ ўн йилликлар мобайнида амал қилиб келинган қоида — ҳеч кимни ажратмай, «ҳаммага бирдек қараш» фан, маданият, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш соҳасига катта зарар етказди.

Бизнинг хайрия фондимизнинг вазифаси айни ана шу мустаҳкам амалиётга барҳам беришдан, истеъдодли ёшлар ижодий қобилиятларини устун даражада ривожлантириш учун қўшимча маблағ топишдан иборатдир. Тошкент машинасозлик - конструкторлик бюроси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг математика институти, «Ниҳол» жумҳурият илмий маркази, «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, ТошДУ, ТошПИ — жами қарийб 80 та корхона, ташкилот, ўқув юрти ва кооператив хайрия фондимизнинг таъсисчилари бўлишди.

Ҳозир ташкил қилинаётган истеъдодли болалар «банк»и истеъдодларни аниқлашда бизга ёрдам беради. Бунинг учун компьютер техникасидан фойдаланаяпмиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу йилги жумҳурият олимпиадалари якунларига кўра, ғолиб чиққан ва ўзини кўрсатган болалар тўғрисидаги барча маълумотлар «банк»га киритилди. Энди улар билан ишлаш, истеъдодли болалар учун жумҳуриятда очилиши лозим бўлган махсус мактабларда қизиқишларига қараб уларнинг қобилиятларини ривожлантириш керак.

Ҳозир битта шундай мактаб бор, бу — Тошкентнинг Чилонзор ноҳиясидаги ёш физиклар мактаб-интернатидир. Фонд Тошкент политехника институти билан бирга бу мактабни ўз оталиғига олди. Анча кенгроқ доирада ўқитиладиган бошқа бир мактаб 21-болалар уйи негизида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига қарашли собиқ боғ ҳовлида очилади. Биз Самарқандда, Улуғбекнинг машҳур расадхонаси ёнида ёш математиклар, физиклар ва астрономлар учун ҳам мактаб ташкил қилишни режалаштираяпмиз. Бундан ташқари Бўстонлиқ ноҳиясида гуманитар йўналишдаги ўқув маркази ташкил қилмоқчимиз.

Ишлар жумҳурият барча вилоятларида истеъдодли болалар учун мактаб-интернатлар ташкил қилиш ҳақида йўл-йўриқ берилган ҳукумат қарорига мувофиқ олиб борилмоқда. Фонд бу вазифани халқ таълими органлари ва жамоатчилик билан биргаликда амалга ошириш ниятида. Биз ёш истеъдодларни танлаб олиш ва уларнинг мамлакатимиздаги ва чет эллардаги етакчи илмий марказларда ўқишини пул билан таъминлашда ҳам иштирок этамиз.

Режаларимиз катта. Масалан, истеъдодли мактаб ўқувчилари ва талабалар учун Улуғбек номли стипендия таъсис этишни истардик. СССР Главкосмоси, мамлакатдаги етакчи илмий марказлар, бизга зарур ёрдамни беришга тайёр бўлган Бутуниттифоқ ва хорижий эл хайрия фондлари билан бу хусусда дастлабки тарзда келишиб олинган.

Лекин фақат хайрия маблағлари билангина кифояланиб қолмоқчи эмасмиз, ўзимиз пул ишлаб топишнинг йўлларини қидирамиз. Корхоналар, ташкилотларнинг ишлатилмаётган молия ресурсларини, айрим фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларини фонд ҳаракатлари ва лойиҳаларини пул билан таъминлаш учун жалб этадиган ёшлар инновация банкини ташкил қилишни мўлжаллаяпмиз. Фонд маблағларини банк оборотига киритишни, маҳсулоти ёшларга мўлжалланадиган қўшма корхоналар тузишни режалаштираяпмиз.

Фондимизга жуда катта ҳуқуқлар берилган. Бунинг учун жумҳурият ҳукуматидан миннатдормиз. Асосий умидимиз эса жумҳуриятдан, меҳнат жамоаларидан, кўп миллатли жумҳуриятимизнинг барча аҳолисидан — уларнинг бефарқ қолмаслигидан, ёш авлод тақдирига манфаатдорлик билан, келажакка ишонч билан қарашидандир.

* * *

Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон жумҳурият фонди ҳисоби: 004700008 Тошкент шаҳар уй-жой социал банки ОПУ. МФО 73427.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.



Андижон шаҳридаги 32-ҳунар-техника билим юрти Фарғона водийсида пойафзалчилар тайёрлайдиган ягона маскан саналади. Ҳунар масканини ҳар йили 300 нафардан зиёд ёшлар битириб чиқади ва улар водийдаги пойафзал ишлаб чиқариш корхоналарига йўлланма оладилар.

Шуниси қувонарлики, бўлажак пойафзалчилар ўқув-тажриба жараёнидаёқ маҳсулот тайёрлаш ишида қатнашадилар. Йилига вилоят ҲТБЮлари ўқувчилари учун 53 минг сўмлик пойафзал тикиб жўнатадилар.

СУРАТДА: билим юрти ишлаб чиқариш устахонасида.

А. МИРЗАЖОН олган сурат.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси I пленуми томонидан қабул қилинган қарорлар, резолюциялар ва мурожаатлар

1990 йил 4 майда Москвада ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг I пленуми бўлиб ўтди. Пленум ВЛКСМ XXI съезди топширигига биноан съезднинг мунозара марказлари, клублари, делегатлари томонидан киритилган резолюциялар ва мурожаатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқди, улар юзасидан эса тегишли қарорлар қабул қилди. «Ёш ленинчи» рўзномасида бугундан бошлаб шу ҳужжатларни ёритиб борамиз.

«ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ ВА КЕНГАШЛАРИНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ

ҚАРОР

1. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси доимий комиссиялари ва кенгашларини тузиш принциплари ҳамда уларнинг асосий вазифалари қўшилинсин (илова қилинади).

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросига комиссиялар ва кенгашларнинг раҳбарлари билан биргаликда ВЛКСМ Марказий Қўмитасини, шунингдек, ишчи аппаратлари тузилиши ҳамда уларнинг штатларини тузиш тўғрисида Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Марказий Қўмита II пленумига кўриб чиқишга киритиш топширилсин.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ ВА КЕНГАШЛАРИНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ВЛКСМ XXI съезди томонидан таърифлаб берилган ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг вазифалари ва ваколатларидан келиб чиқиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ҳар бир комиссияларидаги федерация субъектларининг тенг вакиллилиги ва кенгашлардаги ёшлар қатламларининг кенг вакиллилиги, шунингдек, комиссия ва кенгашни танлаб олиш кўнгиллилик асосида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг 6 доимий комиссияси ва 3 кенгашини ташкил этиш таклиф қилинади.

Бунда федерация ҳар бир субъектидан (яъни бугунги кунда 19 киши) Марказий Қўмита бир аъзоси вакили доимий комиссияларнинг таркибига белгилаб қўйилиши назарда тутилади. Кенгашларнинг таркибига Марказий Қўмита аъзолари — федерация субъектлари билан бир қаторда ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг бошқа аъзолари, съезд делегатлари, ёшларнинг турли қатламлари вакиллари ҳам кириши мумкин.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ички иттифоқ муносабатлари масалаларини тартибга солиш юзасидан комиссиялари

Унинг асосий вазифалари:

— ВЛКСМ ривожланишини олдиндан тахмин қилиш, ахборот-аналитика фаолияти, ички иттифоқ муносабатларини тартибга солиб туриш;

— федерация субъектларининг норматив базасини келишиб олиш, юзага келадиган зиддиятларни тартибга солиш, федерация субъектларининг ажралмас ҳуқуқларига, бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларига риоя этилиши;

— ВЛКСМ Устави қоидаларини тушунтириш ва талқин қилиш, Уставга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, ВЛКСМ съездларининг, Бутуниттифоқ комсомол конференцияларининг ҳаракатномавий ҳужжатлари, резолюциялари бажарилиши;

— комсомол ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги ўқув-илмий юртларида комсомол кадрлари ва фаолларига таълим бериш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва комсомол ташкилотларининг ўқув юртларига методик ёрдам кўрсатиш;

— ВЛКСМда съездолди ҳисобот ва сайловларини ўтказиш, бошқа Бутуниттифоқ акциялари ва тадбирларининг муддатлари ҳамда тартибларини, ВЛКСМ конференциясига, съездига делегатлар сайлаш тартибини белгилаб бериш;

— ВЛКСМ аъзоларининг ҳисоби, комсомол ҳужжатларининг бланкаларини сақлаш ва бериш масалалари юзасидан норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ёшларнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари, фуқаролилик ва маданий ташаббуслари юзасидан комиссияси

Унинг асосий вазифалари:

— ВЛКСМ фаолиятида асосий сиёсий йўналишларни ишлаб чиқиш;

— жамиятда, ёшлар муҳитида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва воқеаларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, ана шу масалалар юзасидан қарорларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

— мамлакатдаги ёшлар ижтимоий-сиёсий ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиш;

—ёшларнинг ватанпарварлик, маданиятшунослик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;

— ўсиб келаётган авлоднинг маънавий ривожланишига ва камол топишига кўмаклашиш;

— шахснинг эркин ривожланиши, унинг ижодий имкониятлари намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш;

— соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

— ёшларнинг оммавий ахборот воситалари системасини ривожлантириш;

— комсомол матбуотининг сиёсий йўлини белгилаб бериш;

— оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш ҳисобланади.

3. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлик юзасидан комиссияси

Унинг асосий вазифалари:

— давлат ҳокимияти Бутуниттифоқ органларида ва жамоат ташкилотларида ВЛКСМ манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолият кўрсатиш;

— халқ депутатлари барча даражадаги Шўролари, ҳокимият ижроия органлари билан комсомолнинг ҳамжиҳатлиги шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш; ВЛКСМдан СССР халқ депутатлари гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш ва кўмаклашиш;

— СССР Олий Шўросига ва қўмиталарига ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида киритиладиган қонунлар ва ёрдамчи қонун актларини экспертиза қилиш, давлат ёшлар сиёсати масалалари юзасидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш планига таклифлар ишлаб чиқиш;

— жамиятда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиш, ана шу йўналишдаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

4. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг халқаро ҳамкорлик юзасидан комиссияси

Унинг асосий вазифалари:

— ВЛКСМ халқаро фаолиятининг устун йўналишларини ишлаб чиқиш;

— халқаро турмушнинг ғоятда муҳим масаласи юзасидан комсомолнинг нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ва комсомолнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

— федерация субъектларининг халқаро алоқаларини мувофиқлаштириш, халқаро тадбирларда ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг манфаатларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳисобланади.

5. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг молиявий-иқтисодий комиссияси

Унинг асосий вазифалари:

— ВЛКСМ иқтисодиётини ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш, ВЛКСМда аниқ молиявий-хўжалик фаолияти ВЛКСМ Марказий Қўмитаси бўлинмалари томонидан олиб борилишини, ана шундай характердаги фаолият давлатда марказлаштирилганлиги муносабати билан назорат қилиш;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг бюджетини шакллантириш ва пленумга тақдим қилиш;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитаси корхоналари ва хўжалик бўлинмаларининг фаолиятини назорат қилиш;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитаси даражасида шаклланадиган маблағларни ВЛКСМ Марказий Қўмитаси корхоналари ва хўжалик ташкилотлари даромадларини федерация субъектлари ўртасида тақсимлаш масалаларини кўриб чиқиш;

— капитал маблағлар планлари ва лимитларини шакллантириш ва тасдиқлаш;

— жамғарма моддий ресурсларини тақсимлаш;

— ВЛКСМ XXI съезди томонидан белгилаб берилган ваколатлар доирасида ВЛКСМ Марказий Қўмитаси норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— федерация субъектлари ўртасида юзага келадиган мулк ва молия масалалари юзасидан низоли вазиятларни ҳал этиш ҳисобланади.

6. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ёшлар миллатлараро муносабатлари ва музофот муаммолари юзасидан комиссияси

Унинг асосий вазифалари:

— миллатлараро муносабатларга, ёшларни байналмилал тарбиялашга таъсир кўрсатувчи муаммоларни ўрганиш ва олдиндан тахмин қилиш ҳамда ана шу асосда миллатлараро уйғунлаштиришда комсомол ташкилотларининг иштироки юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— Марказий Қўмитанинг (ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлик юзасидан комиссияси билан биргаликда) совет федерацияси муаммолари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, зарур бўлган тақдирда, мамлакатнинг турли музофотларида ёшлар ўртасида муносабатларни нормаллаштириш юзасидан давлат ва жамоатчилик чора-тадбирларини рўёбга чиқаришда ВЛКСМ Марказий Қўмитаси зудлик билан иштирок этишининг шакллари ва услубларини аниқлаш;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ҳар қандай қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш пайтида комсомол ташкилотларининг байналмилал ва миллий манфаатларини ҳисобга олишни таъминлаш;

— музофотларнинг ижтимоий инфратузилишларини яхшилаш, ёшларнинг иш билан бандлиги, экология ва бошқа муаммолар юзасидан умумкомсомол ҳамда музофот яхлит ҳаракатномаларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш билан боғлиқдир.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ КЕНГАШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ишловчи ёшлар муаммолари юзасидан кенгаши

Кенгашнинг асосий вазифалари:

— ишлаётган ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлари умумийлиги асосида ВЛКСМ Бутуниттифоқ уюшмалари ва ассоциацияларининг ривожланишини олдиндан тахмин қилиш;

— ишлаётган ёшлар турли ижтимоий гуруҳларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш юзасидан комсомол ташкилотларининг яхлит ҳаракатномаларини ишлаб чиқиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ишлаётган ёшлар бошланғич комсомол ташкилотларининг илғор иш тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, мазкур масала юзасидан илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш;

— кадрлар ва фаолларни ўқитишни ташкил этишда қатнашиш;

— ишлаётган ёшлар комсомол ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини рўёбга чиқаришни ташкилий ҳамда методик таъминлаш;

— ёш меҳнатчилар билан ишлаш юзасидан ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг бўлимлари ва бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— меҳнат соҳасида халқаро ёшлар ҳамкорлиги.

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ўқувчи ва талаба ёшлар муаммолари юзасидан кенгаши

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси кенгашининг ўқувчи ёшлар қўмитаси

Қўмитанинг асосий вазифалари:

— тегишли қонун актларида қайд этиб ўтилган ўқувчиларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш юзасидан ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг нуқтаи назарини ишлаб чиқиш;

— таълимни демократиялаш ва инсонпарварлаштиришга, ўқув юртларини бошқаришда ўқувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтиришга кўмаклашиш;

— ўқувчи ёшларнинг ижодий ташаббусларини, уюшмалар ва ҳаракатларини, шу жумладан, ижтимоий аҳамиятга молик уюшмалари ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

— ўқувчиларнинг манфаатлари ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаракатномалар ишлаб чиқиш.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси кенгашининг талабалар қўмитаси

Қўмитанинг асосий вазифалари:

— олий ўқув юртлари ва техникумлар комсомол қўмиталарининг фаолияти масаласи юзасидан ахборот-мувофиқлаштириш ҳамда методик ёрдам бериш;

— ижтимоий-иқтисодий соҳада талабалар — комсомоллар (умуман талаба ёшларнинг) ўзига хос манфаатларини ҳимоя қилиш;

— СССР Конституцияси доирасида ҳаракат қилаётган талабалар уюшмалари билан мулоқот олиб бориш бўйича ташкилий-сиёсий йўналиш бериш;

— анжуманни таъсис этувчи сифатида ВЛКСМ Марказий Қўмитаси томонидан Бутуниттифоқ талабалар анжумани қарорларини бажарилишининг таҳлили бўйича назорат қилиш-фармойиш бериш;

— таълим, талабаларни алмашиниш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда, халқаро, миллий талабалар ташкилотлари билан (ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг халқаро ҳамкорлик юзасидан комиссияси билан биргаликда) олий ўқув юртлари ва техникумлар комсомол қўмиталарининг алоқаларини амалга ошириш юзасидан ташкилий-методик ёрдам бериш;

— давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг, шу жумладан, ВЛКСМнинг олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ҳужжатлар лойиҳаларига баҳо бериш бўйича экспертиза ўтказиш;

3. СССР Қуролли Кучлари ёшларининг муаммолари юзасидан кенгаш

Асосий вазифалари:

— армия ва флот, сарҳад ва ички қўшинлар комсомол ташкилотлари кенгашлари ва ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг қўшинларда ВЛКСМ ташкилотлари ролининг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш, фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ривожланишда амалий ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятини демократиялаш жараёнига кўмаклашиш;

— СССР Қуролли Кучлари, сарҳад, ички қўшинлар комсомол ташкилотларининг йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ёш ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзолари захирага бўшатилган аскарларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш ва улар имкониятларидан ижтимоий аҳамиятга молик ишларни рўёбга чиқаришда фойдаланиш, жамият сиёсий турмушида фаол иштирок этиш учун уларга шарт-шароитлар яратиш масалаларида федерация субъектлари билан ҳамжиҳатлик;

— ватанпарварлик ва спорт-саёҳат ёшлар ҳаракатлари ва ташаббуслари — излаш (Ватан ҳимоячиларининг хотирасини абадийлаштириш юзасидан иш олиб бораётганлар) ва излаш-қутқарув (фавқулодда вазиятлардаги оқибатларни тугатишда қатнашаётганлар) отрядларининг, жисмоний тарбия-саёҳат стартлари, ўйинлари, мусобақалари, мудофаа-ватанпарварлик ва тарихий-ватанпарварлик ёш армиячилар уюшмаларининг, жамоат ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш.

ҲАҚИҚАТНИНГ ДАРЗ КЕТГАН ҚОБИРҒАЛАРИ

«Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди деймиз-у, ўша эгилишда унинг қанчадан-қанча қобирғалари дарз кетиши мумкинлигини ҳисобга олмаймиз». Қўшкўпир ноҳиясида уч йилдан буён давом этиб келаётган бир воқеа ҳақида изтироб билан ўйлар экансан, ҳурматли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу ҳикматли сўзлари ёдга тушаверади. Негаким бу гал ҳам ҳаётда шундай бўлди.

Воқеа қуйидагича бошланди. 1987 йилнинг 26 декабрида Қўшкўпир ноҳия «Мўл ҳосил учун» рўзномасида «Қасамёдга хиёнат» сарлавҳаси остида махсус мухбир М. Тангрибергановнинг фельетони босилиб чиқди. Унинг ёзилишига муштарийлардан тушган шикоятлар асос бўлган эди. Қуйида фельетон баёнини ва унга бўлган муносабат тафсилотларига ўз шарҳларимизни қўшган ҳолда қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ноҳия болалар поликлиникаси врачи Ҳ. Аҳмедова касалхонада иш тақсимлашда адолатсизлик бор, хусусан марказий касалхона бош врачи ўринбосари К. Назаров поликлиникада ишламай врач-маслаҳатчи сифатида маош олиб юрибди, деб куюниб ёзади. Текшириш мобайнида хатдаги фактларни катта ҳамшира М. Юсупова, поликлиника мудири К. Абдурасуловлар тасдиқлайди. У номи бор-у, ўзи ишламаётган маслаҳатчи эди. Марказий касалхона бош врачи И. Матқулиев зўр бериб буни рад этади. Гўёки, К. Назаров нафақат ушбу поликлиникага, балки ноҳиядаги барча шифохоналарда даволанаётган болаларга малакали ёрдам кўрсатишга камарбаста эмиш. Мухбир поликлиникада бўлган кунлари эса, бу махсус буйруқ асосида «Иттифоқ» жамоа хўжалигида ишлаган. Ажабо?! К. Назаровнинг ўзи бош врачнинг болалар соғлиғини муҳофаза қилишга жавобгар ўринбосари бўлса-ю, қандай қилиб яна маслаҳатчи сифатида маош олсин. Аслида бу СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1986 йил ноябрдаги буйруғига ҳам бутунлай хилофдир.

Шифокорларнинг айби туфайли эндигина 25 баҳорни кўрган ёш она М. Абдуллаева оламдан кўз юмади. Бу фожиа жигаргўшаларининг юрагини зардобга тўлдиради, устма-уст хатлар ёзишади. Юқори органларнинг текшириш натижаларига кўра ҳам беморга ўз вақтида диагноз қўйилмаганлиги, у операцияга кеч ёткизилганлиги, шифокорларнинг қўполликлари аниқланади. Бироқ бош врач бу фактни ҳам инкор қилади. Фикрига далил тариқасида ноҳия прокуратураси томонидан берилган врачлар ҳаракатида жиноят состави йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатларни кўрсатади. Ҳақиқатан жиноят состави бўлмаслиги мумкин. Лекин фельетонда ёзилганидек, бефарқлик, қўполлик айблари юз берган. Бўлмаса, нега И. Матқулиевнинг ўзи ушбу факт асосида бўлим мудири Р. Ёқубова, навбатчи врач Р. Саидовларни маъмурий жиҳатдан қаттиқ жазолади.

Рўзномада кейинги уч йилда шифохонада 14 нафар бўлим мудири алмаштирилгани, уларнинг айримлари ноҳақ ишдан олинганлиги қайд этилади. Айни пайтда юқумли касалликлар бўлимида ҳамширалик қилиши лозим бўлган бош врачнинг қизи бошқа кабинетда ишлаб юрибди. И. Матқулиевнинг якка раҳбарлиги оқибати, касалхонадаги иллатлар газак олаётганлигининг сабаби шу эмасми? Турган гапки, мухбирнинг бундай хулосаси, бош врач ғазабини баттар оширди: «Мудирларни алмаштириш қонуний асосда бўлган, ошна-оғайнигарчиликка ён босилган эмас», — дейди у. Бироқ, фактлар ўжар. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими комиссияси айрим бўлим мудирларининг ноқонуний равишда ишдан бўшатилганини аниқлади. Қизининг бошқа жойда ишлаганлиги ҳам рост чиқди.

Фельетонда кўрсатилган касалхона ёрдамчи хўжалигидаги тартиб-интизомнинг йўқлиги, кирим-чиқим борасидаги чалкашликлар, бу ерда ишламаган кишига маош ёзиб борилганлиги ҳам ўз тасдиғини топди. Бунинг устига текширишлар давомида практикага келган толибларга улар кетгандан кейин ҳам ойлаб иш ҳақлари берилмаганлиги, ҳаттоки кассага кирим қилинмаганлиги, шифохонада нормативдан ташқари ишга одам қабул қилиниб, оқибатда 36 минг сўм ортиқча ҳақ тўланганлиги, «тез ёрдам» машинасидан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилганлиги ва яна бошқа фактлар очилиб қолди.

Шу ўринда мухбирнинг бир чалкашликка йўл қўйганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. У ноҳия СЭС врачи А. Раҳимовни медкенгаш аъзоси бўлмаса-да, бош врач раъйига қарши борганлиги учун ундан чиқарилди, деб кўрсатган. Яна бир баҳсли факт бор. И. Матқулиев ҳамшира Ё. Отажовани қонуний асосда ишдан бўшатиб, орадан кўп ўтмай яна ишга қабул қилган. Бироқ, шу оралиқда ҳужжатларда акс этмаган нимадир рўй берганга ўхшайди. Негаки, шу пайтгача коммунист ҳамшира бош врачни адолатсизликда айблаб кетма-кет хат ёзади.

Текширишлар бошланди. Даставвал бу ишга Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг вакили Ф. Хўжаниёзов, мазкур муассаса мудирининг ўринбосари К. Азизов, назорат-тафтиш бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажариб турган А. Қурёзов енг шимариб киришишди. Хулоса: фельетондаги фактлар тасдиқланмади. 1988 йилнинг апрель ойида бу масала Қўшкўпир ноҳия фирқа қўмитасининг бюросида узоқ муҳокама қилинди. Ундаги фактлар қисман тасдиқланганлиги қайд этилди. Бюро уларни қайтадан чуқур текширишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширди, бош врач И. Матқулиевнинг хизмат вазифасига лойиқ ёки нолойиқлигини кўриб чиқишни вилоят соғлиқни сақлаш бўлимидан сўради.

— Аслида бюрода фельетондаги келтирилган фактлар асосан тасдиқланди, деган фикрга келинган эди, — дейди рўзнома муҳаррири Э. Эрматов. — Таажжубки, қоғозда бўлакча ёзилибди.

— Ноҳияқўм ҳузуридаги фирқа комиссиясининг бюрога киритган ёзма хати билан танишар экансиз, муҳаррирнинг фикрига амин бўласиз. У фактларнинг асосан ўз тасдиғини топганлигини кўрсатиб турибди. Рўзнома чиқишидан кейин аҳоли ўртасида ўтказилган анкета-сўров натижаларида ҳам ноҳиядаги соғлиқни сақлаш ишига салбий баҳо берилган. Бундан ташқари ноҳияқўмнинг 1986 йил 9 сентябрдаги медицина масаласига доир бюро қарорининг бирон банди шифохонада бажарилмаганлиги аён бўлди. Бироқ шунга қарамай бюро мажлиси ноҳия марказий касалхонасининг бош врачи И. Матқулиевга партиявий чора кўришни кейинга қолдирди. Э. Эрматовга баҳсли бир-икки фактни чуқур ўрганмаганлиги учун қаттиқ кўрсатиб ўтишни лозим топди.

Энди редакциянинг бутун умиди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлимидан эди. Улар хўп текширишди. Лекин умидни саробга айлантирувчи жавоблар келди. 1988 йилнинг август ойида бўлиб ўтган Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бўлими медицина кенгаши И. Матқулиев, бош бухгалтер Н. Акимовага ҳайфсан эълон қилиш, бош иқтисодчи Ф. Тожиевани вазифасидан бўшатилганлигини инобатга олиш билан чекланиб қўя қолди. Вилоят прокуратураси эса, И. Матқулиев ҳаракатларида Ўзбекистон ССР ЖКнинг 149-моддасида (ўз мансабини суиистеъмол қилиш) кўрсатилган жиноий аломатлар бўлиб кўрилса-да, улар кам аҳамиятли, деб топилганлиги учун жиноят иши қўзғатишни рад этди.

Партиявий, маъмурий, ҳуқуқий чоралардан бунчалик енгил қутилиш бош врачни руҳлантириб юборди. Унинг ўзи энди қарши ҳужумга ўтди. Редакция ва мухбирни судга берди. Қўшкўпир ноҳия халқ суди И. Матқулиев даъвосини танаффуслар билан бир ой давомида кўриб чиқди. Х. Муҳаммаджонов раислигидаги суд ҳайъати на мухбирдаги, на вилоят прокуратурасининг текшириш натижаларига кўра ёзилган ҳужжатли далилларни инобатга олмади. Гувоҳларнинг сўзларини ҳам обдон ақл тарозисида тортиб кўрмади. Оқибатда суд фельетон тасдиқланмади, деб редакцияга раддия бериш мажбуриятини юклади.

Табиийки, бундан М. Тангрибердиев норози бўлди. Буни ҳисобга олган вилоят суди ишни қайта кўриш учун Шовот ноҳия халқ судига оширди. Бу ерда иш 4-5 ойча чанг босиб ётгач, уни кўриш Урганч ноҳия халқ судига ўтказилди. У ҳам анча вақтдан кейин қўшкўпирлик ҳамкасбларнинг хулосасини тўғри, деб топди. Фақат вилоят суди коллегиясигина ишга одилона ёндашиши туфайли И. Матқулиевнинг фельетон юзасидан раддия бериш хусусидаги даъво аризаси асоссиз эканлигини тасдиқлади.

Ниҳоят, адолат қарор топибди-ку, дерсиз. Ҳа, шундай бўлди. Лекин унга қадар мухбир кўп ойлар мобайнида суд залларида беҳуда вақтини ўтказди. Соғлиғига путур етди. Ўзининг туғилган жойидаги касалхонада даволанишдан чўчиб, қўшни ноҳиядаги шифохонага ётишга мажбур бўлди.

Воқеанинг ниҳояси янада ажабланарли. Ўтган йилнинг ноябрь ойида ноҳия фирқа қўмитасининг пленуми бўлди. Йиғилиш сўнггида собиқ биринчи котиб С. Ҳусаинов Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига (номзодлардан бири сифатида) бош врач И. Матқулиевнинг номзодини тавсия қилди.

— Мен биринчи котибликка сайланганимга бир йилдан сал ошди, — деб жавоб берди С. Ҳусаинов. — Шу боис ўтган воқеалардан хабардор эмасман. Собиқ биринчи котибнинг бу гапида мантиқ йўқлигини бошқа фактлар ҳам исботлаб турибди. Пленумдан бир неча кун ўтгач, ноҳия рўзномаси шу мавзуга қайтиб, фельетон билан боғлиқ натижаларни 26 ноябрдаги сонида эълон қилган эди. Афсуски, на ноҳияқўм, на касалхона жамоаси ушбу материалда келтирилган ва тасдиғини топган далиллардан тўғри хулоса чиқармади. Ҳатто, бош врачнинг кейинги пайтнинг ўзида ноҳияда аҳоли соғлиғини сақлаш йўлидаги камчиликлари учун тўрт марта жазо олганлигидан ҳам кўз юмилди. Шу тариқа И. Матқулиев ўз жамоасидан жумҳурият халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Ноҳияқўмнинг мафкура бўйича котиби О. Худойберганова унга ишончли вакил бўлди. Фақат яна текширишлар бошлангач, у бу ишдан воз кечди. Албатта халқ доим холис. И. Матқулиев депутат этиб сайланмади. И. Матқулиевни ҳимоя қилган ва қўллаб-қувватлаган шахслар партиявий, маъмурий ва ҳуқуқий жазо олишлари даркор.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чўпонлар шу йўсинда адашмоққа юз тутдилар: йўлларини ўзгартиришиб, шимоли-шарқ сари юрдилар Улар бор-йўғи бир бор йўлдан тойдилар ва саҳронинг исканжасига тушдилар.

Аммо адашганликларини ҳали билишмас, ҳамон йўқолган қўйларни топамиз, деган комил ишонч билан ҳаракат қилишарди. Уларнинг фикрича, тез орада қўйлар топилади-ю, шамол эса ўқ еб йиқилган сайғоқдек, уфқ ортида тинчиб қолади.

Улар ҳамон кетиб борардилар.

— Эшитаяпсизларми? — деб сўради Язим ҳамроҳларидан.

Икки чўпон бош ирғади: эшитаяпмиз. Барханлар чиқарган садо тобора қулоққа аниқроқ чалинарди. Бу оламда ҳамма нарса, шу жумладан қум ҳам, куйлайди. Унда оҳангдорлик йўқ, аммо аниқ ва титратувчан. Инсон кўнглида саодатли ва осойиш туйғулар уйғотади. Сароблар оламида кулфат кўзга кўринмайди. Саодат эса бошқа масала. Толега ҳамма ишонади, ҳатто у яқин ўртадаги салқингина булоқдек сароб бўлиб кўринса ҳам, кўнгил узилмайди.

Чўпонлар олға босиб борардилар ва улардан бири, энг шўху шаддоти Язим ҳиргойисини бошлаб юборди. Ҳа, оламда ҳамма нарсанинг ўз қўшиғи бор — шамолнинг ҳам, дарахтнинг ҳам, қумнинг ҳам, сувнинг ҳам, чўпон Язимнинг ҳам.

ЕГУЛИК ТУГАГАН КУН

Сафарнинг ўнинчи куни чўпонларнинг уни, тузи ва қанди тугади. Ўзга егулик йўқ эди. Аввало, улар ўн, ҳатто беш кун йўл юрамиз деб ўйлашмаганди. Иккинчидан, ҳавода 50, тупроқда 80 даража иссиқ бўлса, қанча ва қандай озиқ-овқат олиб юрардинг. Нима десак-да, озуқа тамом бўлди. Улар адашганликларини пайқашиб, тежамкорликка киришмаганларида, бундан-да илгарироқ тамом бўларди.

Сўнгги тўрт тунда саксовулнинг икки-уч шохчасигагина қаноат қилишиб қўяқолишди: чойни кам дамлашиб, пиёзнинг пўстидеккина бир нонни баҳам кўришди.

Ўнинчи куни ҳеч нарса пиширилмади. Кунда ҳам, тунда ҳам туз тотишмади.

Хокги ўзининг чуқур чўнтакларини ағдариб кўрди, бахтга қарши гоҳ-гоҳида солиб қўйиладиган қотган нонлар бўлагидан ушоқ ҳам қолмаганди. У камзулини ерга тўшаб, устига чўзилди, ёмғир кутавериб ранги учган осмонга қаради. Кўзларини юмди ва ҳамроҳларига:

— Бир кунга етадиган сув қолди, — деди.

— Икки қултумдан ичсак бир кунга етадими? — деб сўради Язим.

— Йўқ, бир қултумдан ичсак, — деб жавоб берди Хокги.

— Туз тотмаганимизга ҳам анча бўлди, — деди ўзича Язим. — Қачон овқат еганимни ҳам эслай олмайман.

У Хокгининг ёнига чўзилди ва тунги осмонга тикилиб қолди.

Мидди гапга қўшилмади. Қумга ўтирди ва ўн кундан буён бир энлик ўсган қоп-қора соқолини силади. Сўнг нигоҳини туялардан бирига қадади. Язим буни сезиб, босиқ оҳангда деди:

— Ҳозирча сабр қилишимиз керак. Бизни барибир излаб топишади ёки ўзимиз кимгадир дуч келамиз. Туяларимиз бақувват. Биз ҳолдан тойсак ҳам, улар чидайди. Оқмуллагача етиб оламиз.

Оқмулла сўзи уларга қаттиқ таъсир қилди. Оқмулла — уларнинг уйи, қудуғи. Ёр-биродарлари, фарзандлари ҳам Оқмуллада. Оқмулла бир неча қишлоқ дегани!

— Оқмулладагиларга нима бўлди ўзи? — деди ўйчанлик билан Язим. — Бизни унутишдими? Ё у ёқда ҳам бирор кори ҳол юз бердимикан?

— Бир гап бўлган, — деди қатъият билан Хокги.

— Тинчлик бўлганида машинада излаб чиқишарди. Колхоз изларди.

— Балки излашаётгандир, — деди камгап Мидди. — Балки йўқ.

Шундай дедию, жим бўлиб қолди.

— Келинглар, би-ир сув ичайлик, — деди Язим. — Вақти бўлди.

Хокги лойқаланиб қолган илиқ сувли идишни авайлаб олди ва Язимга тутди:

— Хўпла.

Язим туриб ўтирди. Қуруқшаб қолган лабларига идишни олиб бориб, чуқур нафас олди, нафас чиқарди сўнг оби-ҳаётдан бир қултум ютди.

Хокги сувдонни қайтариб олди, лекин ичмади, Миддига берди. Мидди эса ҳали ҳам қумда тиз чўкканча ўтирарди. У сувдонни қорайган кафтларига олиб, лабига босди, хўплади ва вужудида батарроқ чанқоқ туюб, титраб кетди.

Сувдонни лабидан узиб, Хокгига қайтарди. Хокги шошилмади, сувдоннинг попукли тутқичидан бироз ушлаб ўтирди, сўнг ўз хўпламини ичди. Уч қултум сув қолган идишни яна шундай сабр-бардош билан, шошилмасдан телпаги тагига яширди ва бошини қумга қўйди.

...Чалоб тайёрлаш қандай мароқли иш. Хокги қаерда ётганлигини унутиб, чалоб тайёрлашга киришди. У чуқур товоққа туя сутидан қилинган сузмадан солиб, туз ташлади ва совуқдондан (холодильникдан) олинган боржом сувидан қуйиб, ёғоч қошиқ билан эза бошлади. Чалобнинг оқ-сариқ мойи товоқ ўртасига йиғилиб, тўкилиб кетишига сал қолди. Аммо у қошиқни айлантирган эди, айрон ўртасида гирдоб пайдо бўлиб, тўкилмай қолди ва одатдагидек ажойиб чалоб тайёр бўлди.

Хокги чалобни тушида кўраётганини англади. Қумдан бошини кўтармади, фақат қулайроқ ёнбошига ағдарилиб ётди. Яна ишни бошидан бошлаш ҳаракатига тушди: товоқни олиб, ичига сузма ташлади...

Атрофни саҳронинг сокин туни ўз рафтига олган, қуёшнинг оловли тафти, очлик, чанқоқлик ва номаълум келажак таъсиридан эзилган чўпонлар қумда чўзилиб ётишарди.

Эсиб турган енгил ва майин шабада улардан кундузги азоблар учун узр сўраётгандек, чўпонлар юзини силаб ўтарди.

Адашганлар икки ҳолдан хабарсиз эдилар. Биринчидан, уларнинг адашганлиги ҳақидаги хабар Оқмулладан бугун, ўнинчи куни марказга кетганлигини, излаш ишлари бошланмаганлигини билишмасди. Иккинчидан, аллақачон Ўзбекистон ҳудудига келиб қолишган, бу ердан эса уларни биров излашни ҳам хаёлига келтирмасди. Ўзбекистонда нима қилишади, ахир?

ИЗЛАШ БОШЛАНГАН КУН

Чанг босган ҳайбатли машиналар ёнига бутун Оқмулла аҳли йиғилиб, тўрт вездеходдан иборат сафни шовқин-сурон билан муҳокама этмоққа киришди. Ҳайдовчиларга турли хил маслаҳатлар бериш бошланди. Йўқолган қўйларни изловчи чўпонлар қайси томонга кетганлиги ҳақидаги саволга ҳамма жавоб берардию, лекин энди уларни қаердан излаш кераклигини ҳеч ким билмасди.

Ноҳия қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Оди Оталиғов ҳам Оқмуллага етиб келди. Унинг зиммасига осон бўлмаган вазифа — изловчиларга раҳбарлик қилиш юкланганди.

Оталиғов ҳар бир ҳайдовчи билан суҳбатлашиб, заҳирадаги сув, дори-дармонларни текшириб чиқди. Юражак йўлларни белгилашиб, қайтажак вақтларини келишиб олишди. Ҳайдовчилар ҳар дақиқани ғанимат билишиб, йўлга тушишди ва фурсат ўтмай, машиналар ортидан қуюқ чанг кўтарилди. Аввалига улар кетма-кет юришди, сўнг бош йўлдан бурили-

4

Геннадий БОЧАРОВ.



шиб, турли томонларга қараб кетишди. Уларнинг ортида қолган чанг кенг ёйилиб, қумга чўкди.

— Хў-ўш, — деди Оталиғов, — ишни бошладик. Қачон тугатамиз?

У соатига қаради. Ўша лаҳзада қудуқ устидан тайёра учиб ўтди. Бир қанотига оғиб, кенг айланма ясади ва гулдурос солганича кигиз ўтов ёнига қўнди. Қасур-қусурдан чўчиб кетган бир аёл ўтовдан югуриб чиқди ва тайёрани кўриб, яна ичкарига қайтди.

Оталиғов учувчи Костинга нима қилиш кераклигини тушунтирди. Учувчининг бундай топшириқни биринчи бажариши эмас, англаши қийин кечмади.

— Унда ишга киришайлик, — деди Оталиғов ва Костинга оқ йўл тилаб, ўзини тайёрадан четга олди.

АН одамлар ёнидан қулоқни қоматга келтирганча елиб ўтиб, ҳавога кўтарилди.

«Тепада ҳам ишларни бошлаб юбордик», — деб ўйлади Оталиғов.

Виктор Демешконинг тикучари икки лаҳзадан сўнг пайдо бўлди У ҳам АН қўнган ўтов ёнида тўхтади. Унинг шовқинига бояги аёл яна югуриб чиқди ва тикучарни кўриб, кўнгли тинчиди, шекилли, ўтовни бир айланиб, ўзини ичкарига урди.

Оталиғов тикучарга чиқиб, учувчилар ёнидан жой олди ва Демешкога учиш чизмасини кўрсатди. Бармоғини чизманинг қайсидир нуқтасига қўйиб, учувчининг қулоғига деди:

— Кетдик.

Демешко, ҳар бир саҳройи учувчи каби, одамларни биринчи бор излашга чиқиши эмасди. У бундай кезларда фақат омадга ишониш мумкинлигини биларди. Шунинг учун аввалдан тузилган режаларга истеҳзо билан қарар, аммо бир жойда айланиб учавермаслик учун асқотади, деб ҳисобларди.

Демешко хаёлидан кечган фикрларни Оталиғовга айтиб ўтирмади. Ўриндиғи остидан сунъий матодан тикилган сувдонини олиб, авиация жиҳозларининг ҳиди анқиб турган сувидан тўйиб ичди ва тикучарни жойидан кўтарди.

Чўпонларни излашга сафарбар этилган барча воситалар ишга тушганди. Оталиғов вужудида ташкилотчиларга хос енгиллик ҳис этди, аммо бу енгиллик ўша заҳотиёқ ташвиш, ташвиш безовталик билан алмашди. Безовталик эса излаш тугагунча уни тарк этмади. У учувчининг ёнида ўтирганича, тикучарнинг соябонли ойнаси узра жазиллаб ётган ерга қараб, бу саҳрода бир умр яшовчи, яёв кезувчи, ишловчи ва кўпгина ҳолларда унинг жабр-ситамларини чекувчи инсонлардан қанчалар сабр-бардош, жасорат талаб этилиши ҳақида ўйлаб борарди.

СУВ ТУГАГАН КУН

Чўпонлар йўлда бир неча бор ташландиқ қудуқларга дуч келишди, аммо сув олишолмади — қудуқларда бир томчи ҳам сув йўқ эди.

Улар Хокгининг идишида бир хўпламдан сув қолганлигини билишарди. Хўпламки, бир неча томчилардангина иборат. Агар бугун уларга омад кулиб боқмаса, юришлари ҳақиқий азобга айланади.

Хокги ҳамроҳларига қаради: Язим ҳам, Мидди ҳам беҳад ҳолдан тойган эди. Язим бақувватроқ, елкалари шалвираб қолганича йўқ, офтобда қорайган серсоқол юзидан ҳали қатъият ўчиб улгурмаган. Миддининг аҳволи чатоқроқ: кўзлари нурсизланиб, ҳарсиллаб қолган, бўйнидан чиққан яра унга ором бермас, қуёш тиғи ва чанг азобни янада кучайтирарди. «Ўзимнинг кўринишим қандай экан? — деб ўйлади Хокги. — Яхши дейиш қийиндиров?»

Улар довулдан сўнг шакл-шамойилини бутунлай ўзгартирган қум барханлари оралаб кун бўйи сассиз-садосиз юрдилар. Фақат гоҳи-гоҳида тўқнаш келган нигоҳларидан ҳорғинликдан ўзга маъно уқиб бўлмасди.

Уфқда тез-тез қуюн кўзга ташланиб қолар, аммо ғир этган шабада эмасди. Қуюн эса қум ва чангни ҳавога совуриб, барханлар ора кезгани-кезган.

Хокги баъзан уларга қараганича, қуюн ҳақида бобосидан эшитган қадимий афсоналарни эринчоқлик билан эсларди. Айниқса, улардан бири — сув билан боғлиқ бўлгани кўпроқ эсига тушаверарди. Бобо айтардики, қуюнлар илгари одам бўлишган. Улар ер остидан сув топишолмагач, тепага қараб ўса бошлаганлар. Сувни бевосита булутлардан ичмоқчи бўлишган, аммо Қорақум осмонида йилига бир мартагина булут йиғилмайдими. Мақсадга етолмаганлар бирин-кетин ҳалок бўлишган, бу азим саҳрода. Мана неча асрларки, уларнинг сояси чўлда кезиб юради ва қаердаки сароб — салқингина кўл кўринса, ўша томонга кетаётган бўлади.

«Биз ҳам сувга қуюндай интилаяпмиз, — деган фикр кечди Хокгининг хаёлидан, — лекин қуюннинг шитоби бизга йўл бўлсин».

«Яна бир кун чидаб берсак эди, — деб ўйларди у, — кейин бизни, албатта, топишарди. Тополмасликлари асло мумкин эмас».

5

«Лекин биз бугун ҳам, эртага ҳам ҳеч кимни учратолмасак, — деб ўйларди уччаласи ҳам, — қандай чидашимиз мумкин? Индинга-чи? Куч-қувватни қаердан оламиз?»

Қуёш кучингга куч қўшмайди — борини ҳам сўриб олади.

Шамол қувват олиб келмайди — борини ҳам сўриб чиқаради.

Қум тиззангга мадор бермайди — сўнгги кучингни ҳам ўзига тортиб олади.

Чўпонлар туяларини чўктиришди — жазирамага чидаб бўлмасди.

— Салқин тушишини кутиш керак, — деди Хокги, — туяларга азоб бермайлик. Ана қулай жой, қумга кириб ётамиз.

Салқинлаш умидида қумга кўмилдилар, аммо қумнинг остига ҳам тудиқиб борди. Хум кўмса бўларди. Чидаб бўлмас даражада кучли гармсел эсар, туялар оғир харсиллаб нафас олишарди.

Одамларга туялардан кўра оғирроқ эди. Ўлик саҳронинг қуруқ ҳавосидан нафаслари қисилар, алаҳсираш онларидагина бўлгани каби, тасаввурлари уларни ранг-баранг манзарали жойларга тинимсиз чорларди.

Мидди Сирдарёдан кўзини узолмас, кимлардир соҳилдан туришиб уни чақиришгани-чақиришганди.

Язим қудуқ ёнида туя-туя ўйнаётган болаларга қараганича, қимиз сипқорарди.

Хокгининг эса ўтган қувончли кунлари эсига тушавериб, азобларди. Мана у Каспий денгизининг устидан учиб ўтиб, нариги соҳилга қўнди. У тайёрадан чиқиб кўрсаки, ёмғир ёғаяпти. Буни қаранг, уни дарахт остида ислаганча томоша қилиб туриш мумкин экан. Ёмғир дарахт япроқларига келиб тушади, уларни енгил шитирлатиб, маржондек товланганча пастга, баррагина майсалар устига, ундан илдизга, ерга оқади.

Эҳ! Куни саҳро азобида ўтувчи инсонга ҳам парвардигор баъзан мана шундай тотли дамларни раво кўради. Эҳ, ёмғир, ёмғир!

Туриш, қўзғолиш керак эди. Уларда эса қимирлашга мадор йўқ. Бунинг устига, ҳали туяларни турғазиш керак. Туяларни бир амаллаб оёққа тиклашди, Ҳуш-беҳуш бўлишиб, кўзлари гармселдан хиралашганча, йўлга тушдилар.

Сувни биринчи бўлиб Мидди тилга олди, Язим маъқуллади.

Хокги кўнмади. Язим рози бўлди — сабр қилиб туриш керак. Кечга яқин яна сувни эслашди, Хокги аввалгидек кўнмади — эртага ичамиз деган фикрни айтди. «Эртанги кун жуда оғир бўлади, — деди у келажак кун, балки кунлар азобини сезгандек. — Эртага тоқат қилолмаймиз. Бугун эса сабр қилишимиз керак».

Улар оқ-қорани ажратиш мумкин бўлган паллагача юришди. Тез орада атрофни зулмат қоплаб, саҳронинг тафти кўкка кўтарилди ва юлдузлар юзини тўсиб қўйди.

Тонг ёришишини кутиб ўтирмай, наҳорда йўлга тушдилар. Ғира-ширада кетиб боришар, тонгги салқин умидларига умид қўшарди. Соат ўн иккига яқинлашганда авжга минган жазирама барча илинжларини пучга чиқарди ва улар туялари билан бирга яна оловланиб ётган қумга чўкиб қолишди.

Мидди буткул ҳолдан тойганди. Хокги Язим билан маслаҳатлашиб ўтирмасдан, Миддининг ёнига эмаклаб борди. Сувдонни олиб, унга хўпламини ичирди. Ўзи эса сабр қилишга аҳдланди. Ерга қараганча ётган Язим бу ҳолни кўрмади.

Ярим соатдан сўнг Язимнинг ҳам бутун гавдаси титрай бошлади. Хокги унинг ёнига эмаклаб бориб, сўнгги хўпламини ичирди. Тўғрилаб ётқизди, аммо Язим барибир ўзига келмади. Миддининг титроғи бошланди. Хокги яна у томонга судралди. Қолган ягона, энг сўнгги хўплам, балки ярим хўплам сувни унинг лабига томизди.

Ўша дақиқадан бошлаб чўпонлар сувсиз қолишди.

ИЗЛАШ ДАВОМ ЭТГАН КУН

Вазият тобора кескинлашиб борарди: учувчилар — Костин, Крупенко, Демёнчуков, Дурдалиев кабинани саккиз соатлаб тарк этишмади. Улар ҳудудсиз саҳрони тинимсиз кузатишар экан, адашган чўпонлардан тобора узоқлашиб боришаётганлигини билишмасди. Учинчи куни улар адашганлардан юзлаб километр узоқлашиб кетишганди. Учувчилар излашни жанубга қараб давом эттираётган бўлсалар, чўпонлар шимол сари кетиб боришарди.

Залворли «ЗИЛ»ини жанубга ҳезлаётган ҳайдовчи Аннагелди Аннакулиев чўпонлар аллақачон ортида қолиб, минг азобда жон беришаётганлигини билмасди.

Сапар Амангелдиев темирдек оғирлашиб қолган қўлларига ором бермасди. У ўз машинасини қумлар, қовжираб ётган ўт-ўланлар узра елдириб борарди. Унинг ҳам мақсади — нотаниш кишиларни қутқариш, шунинг баробарида, ўз бурчини, вазифасини бажариш эди. У ҳам чўпонлардан дақиқа сайин узоқлашиб борар ва бундан хабарсиз эди.

Машинаси билан жануби-шарққа қараб бораётган Непес Ураев чўпонлардан узоқлашиб кетмоқда эди.

Аннаберди Ўразмедовнинг «ЗИЛ»и қум тўлқинлари узра силкинганча жануби-ғарбга, адашганлардан тамомила тескари томонга шиддат билан кетиб борарди.

Излаш мана шундай давом этмоқда эди.

Оди Оталиғов тикучарнинг дим кабинасини деярли тарк этмас, пастдаги нарсаларни, кулрангига кирган ўсимликлару саҳро йўлларини аранг фарқларди. Уч кунлик тинимсизлик ва кузатишлар боис унинг кўзларида оғриқ турди. Аммо шунга қарамай, бирор сабабсиз ўз йўналишини ўзгартира олмасди. Ўзгартиришга асоси йўқ эди! Бугун нотўғри излашаётганлиги маълум бўлди, негаки, чўпонларни топишолмаяпти.

Шу кунгача унга асос бўлган белгилар: қумда кўзга ташланган излар, ҳар бир чўпонга аён бўлган ҳақиқат — сурувнинг жанубга қараб интилиши ва ниҳоят адашганларнинг Оқмулладан чиқиб кетган йўли. Ахтарувчи гуруҳининг инон-ихтиёрида ўзга далил-дастак йўқ эди.

Аммо ақлга сиғмайдиган факт бор: бой берилган ўн кун!

Оди оворагарчиликларнинг натижасизлигидан қаттиқ эзиларди. У чўпонларнинг қаерда қолиб, қандай кулфатлар бошига тушганлигини тасаввурига сиғдиролмай, беҳад толиққан бўлса-да, тунларни деярли уйқусиз ўтказарди. Мижжа қоқмай ётаркан, чўпонларнинг қаерлардадир сувсизликдан азобланаётганлигидан, ўзининг эса бу уқубатни енгиллатишга ожизлигидан андуҳ чекарди. Яқиндагина ноҳия комсомол қўмитасининг котиби бўлиб юрган йигит ушбу оғир дамларда ўзини аямай ҳаракат қилаётганлар ҳақида ҳам ўйларди. Уч кунки, ҳайдовчи ва учувчилар тиним билмай ишлашар, қаттиқ толиққанликларига қарамай, дам олишдан гап очишмасди. Уларнинг барча уринишлари беҳуда кетмоқда, деган аламли ўй ўтди Одининг хаёлидан. Аммо бу уларнинг сайъ-ҳаракатидаги олийжанoблик ва жўмардликка соя сололмайди. Бу ўринда беҳудалик билан олийжанобликлик ўртасида боғлиқлик йўқ. Бу узвийлик чўпонлар бошига тушган кулфат ҳақида ўз вақтида бонг урмаганларнинг беғамлиги билан адашган чўпонларнинг матонати, агар улар ҳали омон қолган бўлсалар, ўртасида ҳам йўқ. Аммо беғамлик билан кулфат ўртасида қандайдир боғлиқлик бор, деб ўйларди у.

Бўлганда ҳам билвосита боғлиқлик бор.

Чўпонларни излаш катта қатъият билан давом этар ва у кутилмаган ечимга яқинлашиб бормоқда эди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонда).

6

Хориждан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

● НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йорк метросининг йўлларидан бирида махсус белги қўйилган вагонлар пайдо бўлди, уларда маълум соатларда доимо полициячилар бўладилар. Бу вагонлар мактабларидан қайтаётган ўсмирларга аталган. Вояга етмаган болаларнинг тўдалари мактаб ўқувчиларини калтаклашлари ва талашлари [illegible] Нью-Йорк метроси [illegible] директори Жек Поллакнинг ташаббуси билан шундай тадбир қабул қилинганди. Полиция маълумотларига кўра, шу йилнинг биринчи ярмидан [illegible] бўлган даврнинг ўзидагина мактаб ўқувчиларига 159 марта ана шундай ҳужум қилинган.

«Метрода болаларга ҳужум қилиш ва уларни талаш ҳоллари илгари ҳам бўлган эди, — деди Нью-Йорк мактаб [illegible] вакили Боб Терг. — Бироқ, кейинги бир неча йил ичида, айниқса, арзон турадиган «Крэк» қора дориларни тарқалиши муносабати билан бундай воқеалар анча кўпайди».

Кўрилган чора-тадбир ҳозирча фақат тажриба тариқасида бўлиб, икки ой давом этади. Бу тажриба Нью-Йорк ноҳияларидан бири — Бруклиндаги бешта ўрта мактабда ўтказилмоқда. Шаҳарда эса жами мингга яқин мактаб бор. Метро кўпгина мактаб ўқувчилари учун транспортнинг бирдан-бир тури бўлиб, улар ўқишдан сўнг уйларига қайтадилар. Болалар метродан бепул фойдаланадилар.

● ВАРШАВА. Польша олий ўқув юртларида ҳаёт жўшқинлашиб кетган. Мамлакатнинг барча томонларидан ўқувчи ёшлар митингларни ва норозилик [illegible] Люблин, Катовице, Вроцлав, Гданьск талабалари дорилфунунлар ва институтларнинг дарсхоналарини эгаллаб олиб, ўқишни тўхтатиб қўйдилар. Лодзь, Краков ва бошқа шаҳарларда норозилик митинглари бўлиб ўтди.

Йигит ва қизлар Миллий таълим вазирлиги олий мактаб тўғрисидаги қонунга тузатишлар лойиҳасини сейм муҳокамасига юборганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Ёшларни аввало, олий мактаб турмушини тартибга солиб турувчи асосий ҳужжатни ишлаб чиқишда уларнинг фикри инобатга олинмаганлиги қониқтирмаяпти.

Қонун лойиҳасида талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳуқуқий шахс ҳуқуқини беришдан бош тортилган. Бундан ташқари олий ўқув юртида профессор-ўқитувчилар ҳал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқига кафолат берадиган махсус коллегия етакчилик вазифасини ўташи назарда тутилмоқда.

Талабалар эса қонун лойиҳасига мувофиқ олий ўқув юртлари коллегиясидаги ўринларнинг уларга ваъда қилинган 20 фоизи ўрнига, 30 фоизга эга бўлишни хоҳлаяптилар.

● БРАЗИЛИЯ. Бразилияда болалар ўйинчоқлари оламига экология мавзуси мустаҳкам кириб бормоқда. Болалар ўйинчоқларининг Сан-Паулу шаҳрида бўлган кўргазмасида «экология ўйинлашишидаги» янги ўйинларнинг бутун бир туркуми намойиш этилди.


Янгиликларнинг бири «Сос — китлар» деб аталади. 1988 йилда Аляскада «музлик асири» бўлиб қолган учта кит билан бўлган воқеа ана шу ўйинни яратиш тўғрисидаги фикрга туртки бўлган. Ўйин ижодкорларидан бири Ренато да Веллининг айтишича, бу воқеа турли ёшдаги болаларда жуда катта қизиқиш уйғотган, улар телевизор экранлари олдида ўтириб фалокатга йўлиққан китларнинг тақдири учун қаттиқ қайғурганлар. Ўйинда ҳайвонларни қутқариш йўлини биринчи бўлиб топган одам ғолиб ҳисобланади.

Бошқа бир «Экология» номли ўйинда унинг қатнашчилари атроф-муҳитга қасд қилаётганларга қарши курашадилар. Болаларга ўрмонларда рўй берган ёнғинларни ўчиришда, ўсимлик дунёсига ўт кетишда айбдор бўлганларни овчилар ва одамларни таъқиб этишда қатнашиш таклиф қилинади.

Кўргазмага қўйилган маҳсус қурилма болалар қуёш ва сувдан фойдаланиб, электр қуввати ҳосил қиладиган асбобларнинг макетларини яратишларига имкон беради. Улар, масалан, бутун бошли кичик ГЭСни йиғишлари мумкин, бу ГЭС ишга туширилганда унга уланган электр лампочкаси ёнади.

Руҳиятчиларнинг фикрларига қараганда, бу ўйинлар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Улар болаларда табиатга муҳаббат ва уни авайлаб асраш зарурлиги ҳиссини сингдирадилар.

● ТОКИО. Японияда келаси ўқув йили мактаб парталари 3 сантиметр «ўсади». Мамлакат Маориф вазирлиги кейинги 25 йил ичида биринчи марта мактабларда доимий ишлатиладиган ана шу парталар катталигини қабул қилди, чунки ҳозирги япон болалари ўзларининг чорак аср илгариги тенгдошларидан анчагина дуркунроқдирлар. Ҳозирги вақтда юқори синф ўқувчилари ўртасида эллик минг нафарининг бўйи 180 сантиметр ва ундан ҳам баландроқдир (бу барча юқори синф ўқувчиларининг 5,6 фоизини ташкил этади). Япониянинг бундай дуркун, бўйи баланд болалари эски парталар турли баландликка мослаштириб ўзгартириш мумкинлигига қарамай унга сиғмай қолаяптилар. (ТАСС).



БУЮК БРИТАНИЯ. «Дип Перпл» ансамблининг собиқ хонандаси, таниқли қўшиқчи ва бастакор Иан Гиллан ўзи яқинда ташкил этган, ҳали номи ҳам мавжуд бўлмаган ансамбли билан май ойида Совет Иттифоқига ташриф буюради. У Москвада, Ереванда, Тбилисида, Оржоникидзе, Грозний, Нальчик ҳамда Волгоградда гастролларда бўлади.

— Сафар чоғида биз «Дип Перпл» репертуаридан ҳам айрим қўшиқларни ижро этамиз, — дейди И. Гиллан.

СУРАТДА: хонанда И. Гилланни кўриб турибсиз.

А. БИРЮКОВ сурати. (ТАСС).

НАЖИБУЛЛОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОБУЛ, (ТАСС). Афғонистон президенти Нажибулло собиқ подшоҳ Зоҳиршоҳнинг Афғонистонда тинчликни қарор топтириш йўлларини излашда иштирок этишга тайёрлиги тўғрисидаги сўнгги баёнотини ижобий баҳолади ва уни бу йўналишда амалий ишлар қилишга даъват этди.

Президент маҳаллий журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, деб хабар беради Бахтар агентлиги, афғон халқи жароҳатларига малҳам бўлиш учун баёнотлар ва матбуотда чиқишларнинг ўзи камлик қилишини таъкидлади. Замон тинчликка интилаётган барча фирқалар, гуруҳлар, жамоат ва сиёсат арбобларининг бир жойда тўпланиб, ватанининг эндиги тақдирини ҳал этишларини талаб қилмоқда. Шу кучлардан бирортаси, шу жумладан, Афғонистон ҳукумати Афғонистон муаммосини ҳал этишда зўравонлик йўлини танлайдиган бўлса, урушни давом эттирганлик учун бутун жавобгарлик унинг зиммасига тушади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЖАРИМА ЦЕНТ БИЛАН ТЎЛАНМАЙДИ

● БИЗДА бўлгани сингари америкаликларда ҳам цент долларни тежайди, деган нақл бор. Паркерсберг шаҳрилик (Ғарбий Вирджиния штати) Гэри Вагнер шу нақлга амал қилиб, суд солган 441 доллар жаримани ўзи йиғиб юрган центлар билан тўламоқчи бўлди (муштлашгани учун жарима билан жазоланганди). У белгиланган муддатда ўн икки қопга тўлдирилган центларни суд биносига олиб борди. Лекин улар центларни шундайлигича қабул қилишмади: ҳар бир кичик қоғоз халтага 50 дона центдан солиб, тахлаб топширишни буюришди. Бироқ бунга Вагнер кўнмади.

Аммо барибир суднинг қўли баланд келди. Судга ҳурматсизлик қилгани учун Вагнерга қўшимча равишда яна 150 доллар жарима солинди.

ТИМСОҲ КАЛАМУШ ОВЛАЙДИ

● ГУАЯКИЛЯ шаҳрига яқин жойда яшовчи балиқ сотувчиси Хорхе Галарса уйида 4 йилдан бери тимсоҳ яшайди. Уни кичиналигида — атиги 12 сантиметрлигида уйга олиб келинганди. Ҳозир эса у икки метрдан ортиқ. Тимсоҳ оиладагилар билан, ҳатто жониворлар билан ҳам аҳил яшайди. Айниқса, Хорхенинг кучиги билан думини ликиллатиб роса ўйнайди. Бунинг устига уйидаги ва даладаги каламушларни овлашни ўз зиммасига олган.

УЗИГА ХОС КЛУБ

● КЕЙИНГИ йилларда Германия Федератив Жумҳуриятида ёмғирдан кейинги чиққан қўзиқориндек ҳар хил клублар жуда кўпайиб кетмоқда. Масалан, бўйи узунлар, оёғи узунлар, бурундорлар, малла сочлар, Лох-Несси кўлининг сирли муаммолари билан қизиқувчилар, НУО билан боғлиқ бўлган клублар ва ҳоказолар.

Ҳозир уларнинг сони 2000 дан ошиб кетди.

Чехословакияда чиқадиган «Недельна права» рўзномасининг таъкидлашича, шунча клублар ичида энг ўзига хоси «Ҳар хил клубларга қаршилар» клубидир.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ


Хориждан хабарлар

Сиз ёқтирган хонанда

Қизил қишлоқ илҳомлари

Санъат олами ўзига хос чиройга, ҳуснга эга. Унинг гулшанида сайри-боғ этган киши гуллар атридан завқланади, ором олади. Бу гулларнинг ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди. Бошқача қилиб айтганда, санъат боғига қадам қўйган ҳар бир санъаткорнинг ўз овози, услуби бўлади. Бу услуб уларни халққа танитади, обрў келтиради.

Ғиёс Бойтоевнинг қўшиқ шинавандалари ҳурматини тез қозонганининг боиси ҳам шунда. Аслида хонандани элга танитадиган яна бир сир бор. Бу — унинг одамлар орасида бўлиши, дардларини уқиши, орзу-умидларини қўшиқларига сингдиришидир. Ғиёснинг энг яхши кўргани қишлоқ оқшомлари, чексиз қир-адирлар. Айниқса, ўзи туғилган масканга



тез-тез бориш, юртдошларининг қувонч ва ташвишларини баҳам кўришни ёқтиради. Қолаверса, заҳматкаш халққа ҳамдардлик, ҳамкорлик қилиш, юрагидагини уқиб олиш мақсадидир. У қаерга бормасин, жуда илиқ, самимий кутиб олишлари шундан бўлса керак. Кези келса, у дилрабо қўшиқ айтиб ором бахш этади. Кези келганда ҳамма билан дўст-ўртоқ бўлиб кетади. У давраларга ҳам киришимлик, ҳам ярашиқлик йигитлардан.

Хонанданинг санъатга ошуфталиги асли она қишлоғи туфайлидир. Чимкент вилоятининг Сайрам ноҳиясидаги Қизил қишлоғини кўплар «жаннатмакон» дейдилар. Мусаввир-табиат бу ерда ўзи яратган кўркка ўзи маҳлиё эмиш. Атроф манзаралардан, одамлар лутфу карамидан йиғлаган кўнгил таскин топгуси, дил тугунлари тезда ёзилгусидир бунда.

Лекин адирлардаги яшил майсалардан ҳаёт куйини, камалак ранглар қўшиғини, тўқайлар шивиридаги «оҳанг»ни уқиш барчанинг қўлидан келавермаслиги аниқ. Ғиёс эса уларни тинглаб зерикмасди, қараб тўймасди. Ўзича хиргойи қилиб юрарди кенгликларда. Кейинчалик санъат борасида озми-кўпми тажрибага эга бўлган акаси буни фаҳмлади. Ўзи билганларини унга ўргатди.

— Бола эканмиз-да, — деб эслайди Ғиёс. — Акам машқ қилиш учун тор олиб келиб, эҳтиётлаб чалардилар. Ёнларида ўтириб тинглардим. Бошқа иш билан шуғулланишга туришларини ё кимнингдир чақириб келишини пойлардим. Кейин қўлимга торни олиб, завқ билан чалишга уринардим.

Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса, қилиғи, дейди доно халқимиз. Аҳмадқул ака билан Ҳуриниса опа 9 фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Улар орасида кенжа ўғил Ғиёс ўткир зеҳни, кучли хотираси, ҳозиржавоблиги билан ажралиб турарди.

— Ҳаммаси ҳам омон бўлсину, — дерди отаси. — Манглайи кенг, қарашлари ўткир артист бўлади чоғи, онаси.

— Ажаб эмас, иншоолло, — Ҳуриниса опа Аҳмадқул аканинг гапини шундай тасдиқларди.

Ота-она башорати ҳақ чиқди. Мактабнинг юқори синфига ўтган сари Ғиёс танила борди. Аввал мактабда, кейин қишлоқ миқёсида ўтадиган турли тадбирларда қўшиқ айтди. Бундай кезлари акаси Аваз саҳнадаги, томошабин олдидаги масъулият ҳақида кўп бора ўгит берарди. Уйга қайтишгач, йўл қўйилган хато, камчиликларни тушунтирарди.

Ўша кезларда дўстлари билан орзу-режалар ҳақида гап кетса, иккиланмасдан маданият институтини тилга оларди. Бошқалар унга «у ерга фақат қўшиқ айтадиганларни олишади» деб уқтиришарди. Бундай гаплардан кейин яна ва яна қўшиқ айтгиси келаверарди. Шу зайл овози сайқал топиб, қўли тор чертишга анча келиб қолди.

1978 йили Ғиёс Бойтоев маданият институтига ўқишга кирди. Ўзбек халқ чолғу асбоблари гуруҳи ўқиш жараёнида шу ердаги «Нилуфар» ансамблига қатнашди. Унга таниқли санъаткор Тельман Ҳасанов мусиқа раҳбари эди. Энг муҳими, қизиқиш, ҳаракат экан. Ғиёс у ерда куй-қўшиқ сирини ўрганди.

Институтни тугатгач, яна Сайрамга қайтди. 16-ўрта мактабда мусиқадан сабоқ берди. Акаси Аваз бўлса укасидаги талантни қадрлар, маҳоратини ошириш учун кўпроқ чинакам санъаткорлар даврасида бўлишини хоҳларди. Ака-ука бу ҳақда кўп гапиришди. Нияти холис экан, 1987 йили Тошкент Давлат университети Маданият саройига мусиқа раҳбари бўлиб келди.

Яхши қўшиқ инсоннинг доимий ҳамроҳи. Айримлари борки, худди кайфиятга қараб тинглагингиз келади. Унинг ижросида ҳозирги ҳолатингиз, юрак дардингиз ифодалангaнга ўхшайди. Ғиёс Бойтоев қўшиқларини ана шундай қўмсайдиганлар ортиб борди. Чунки қўшиқлари тингловчида ҳаётга муҳаббат, умид уйғотарди.

Қизил қишлоғи илҳомлари туфайли санъат оламига келган бу хонанданинг қўшиқлари мавзу жиҳатдан хилма-хил. «Ўзбекистон қизлари», «Саодатнома», «Ватанимни соғиндим» кабиларда юрт ва диёр меҳри куйланади. Юртни ардоқлаган инсонгина эл ардоғига эришиши таъкидланади. «Чимкентим», «Сайрам гўзаллари» ҳам шу туркумдан бўлиб, уларда хонанданинг бевосита туғилган маскани, ҳамюртлари мадҳ этилади.

— Одам бир куйиб ёнмаса, яшашнинг мазмуни бўлмайди, — дейди хонанда. Репертуарининг асосий қисмини лирик қўшиқлар эгаллагани шундандир, балки. «Муҳаббат йўқ экан», «Айрилдим», «Сени унутмайман» кабиларда садоқат шу қадар жозиба билан куйланадики, тинглаган киши қўшилишиб кетганини сезмай қолади. Кўча-кўйда юрганида «ана, «Шириним» келяпти» дейишади баъзан. Санъаткорга берилган ҳақиқий баҳо деса бўлади буни.

Хонанданинг бир даста қўшиқлари борки, уларда одамийлик фазилатлари куйланади. Зеро, бугунги кунда инсонийликни куйлаш, қадрлаш жуда муҳим ўрин тутади. Ҳаётимизда бу нарса тобора камёблашиб, меҳр-оқибат йўқолиб бораётгани кимни ташвишлантирмайди, дейсиз. Қишлоғига борганда ота-онаси ҳам бу ҳақда уқтиришади унга. Шундай кезлари «Меҳр-қолур, муҳаббат қолур», «Илтижо»ларни куйлаб беради. Онадек мўътабар зотни улуғламаган, у ҳақда қўшиқ айтмаган кимса бўлмаса керак. Иқтидорли ёш хонанда ижросидаги «Онам йиғлар», «Армон», «Тилло сандиқ» каби қўшиқларда мўътабар волидалар қалби айнан ифодаланган.

Шу кунларда Ғиёс Бойтоев Ёшлар уйи қошидаги «Умид» ансамблига бошчилик қилмоқда. Аҳил жамоа кейинги вақтда жумҳурият комсомол Марказий Қўмитаси йўлланмаси билан жойларда тез-тез концерт қўйишяпти. Чехов шаҳридаги ҳарбий қисмда 500 дан ортиқ ўзбек йигитлари тинглашди унинг қўшиқларини. Шу қадар миннатдор бўлишдики, ҳатто ўзи ҳам илҳомланиб кетди. Ўзича ҳарбий мавзуда ҳам қўшиқ танлашни режалаштирди. Сирдарё вилояти ҳосил байрамида, Чуст ноҳияси маркази, Чиноз ноҳиясининг «Октябрь» жамоа хўжалиги, «Миконд» заводи ва яна кўпгина жойлардаги концертларидан юзлаб, минглаб шинавандалар мамнун бўлдилар. Шу боис унинг номи жумҳурият комсомоли мукофоти номзодлари орасидан муносиб ўрин олишига умидвормиз.

Ғиёс Бойтоев ўзбек санъатига фақат қўшиқлари билан эмас, куйлари билан ҳам кириб келди. Талай шеърларни «Ёшлик», «Саодат» жаридаларидан, китоблардан ўзи танлаб, куй басталаган. Ҳозирги кунда ансамбль чангчиси Акбарали Асқаров, камончи Ғофур Ҳасановлар билан биргаликда баҳор, оқибат мавзуларига доир қўшиқлар яратиш ниятида. «Моҳира бону», «Муғаннийлар боғи», «Зебо» каби улар билан ҳамкорликда яратган қўшиқларини алоҳида таъкидласа бўлади.

Кези келганда шу кунларда кўпгина ёш хонандаларга, ансамблларга хос бўлган баъзи камчиликлар Ғиёс Бойтоевга, «Умид» ансамблига ҳам даҳлдор эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўзбек миллий чолғулари ўрнига кўпроқ синтезатордан фойдаланиш, қўшиқлардаги миллий руҳни йўқотиши табиий. Бу ҳақдаги фикримизни хонанда инкор этмаган ҳолда асбобларда имконият катта бўлгани туфайли ҳар йўлда фойдаланиш мумкинлигини уқтирди. Барибир келгусида ансамблдаги асбоблардан кўпроқ миллий йўсинда фойдаланиш, миллий қўшиқларни кўпроқ яратиш режасини ҳам қўшиб қўйди.

— Миллийлик ҳамроҳ бўлса, ишимиз бароридан келиши табиий, — дейди-у. Чунки ўша она қишлоғим бағридаёқ юртдошларим завқу-шавқини, дарду-аламларини далалардаги, пахтазордаги фиғонларни юрагимга туйганман. Қўшиқларимда шулар ҳақида куйлагим келаверади.

Биз ёш хонанда Ғиёс Бойтоевнинг қалбидаги ўз она қишлоғи каби чексиз ва тенгсиз орзу режалари рўёбга чиқиб, янги-янги қўшиқлар билан санъат мухлисларини хушнуд этишида муваффақият тилаймиз.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.

Шахсий фикрим

Полвоннинг елкаси ерга тегмасин

Боғнинг ўртасида тумонат одам. Кураш майдонида полвонлар бел олишяпти. Халқимизнинг удумига кўра, кекса полвонлар уларни тенг-тенги билан курашга туширишаяпти. Кимдир йиқитяпти, кимдир ҳалол йиқилганини тан олиб, бошини эгганича майдондан чиқиб кетмоқда.

Йиқитганини ҳакамлар совғрин берадиган жойга етаклаяпти. Йиқилгани эса сал қитмирлик қилиб енгилганини тан олмайди, можарони ҳакамлар ҳал қилолмай бош ҳакамга мурожаат қилади. Даврабоши халққа қараб:

— Халойиқ, мана шу полвонни йиқитгани ҳалолми? — деб сўрайди. Халқ гувиллаб жавоб қайтаради: «Ҳалол!» «Енгилган курашга тўймас» деганларидек ҳалиги полвон «қайта курашаман», — деб туриб олади. Бош ҳакамнинг жаҳли чиқади. «Ўртага илиги бақувват йигитлар тушади, полвон! Хархаша қилгунча илигингни бақувватроқ қилиб кел. Янаги даврада курашасан. Ҳозир йиқилдинг», деб дангал жавоб қилади.

Халққа манзур усулни чиройли қўллаб, рақибини йиқитган полвонни ҳамма ҳаяжон билан олқишлайди. Ана шундай ҳаяжонли, машаққатли курашларда кучли, абжир, чайир йигитларни халқимиз «елкаси ерга тегмаган полвон» деб ҳурмат билан тилга олади.

Елкаси ерга тегмаган полвон... Ҳа, бу жуда шарафли, энг юксак унвон. Бу унвон ҳеч жойда қайд этилмаган, ҳеч қайси муассасада тасдиқланмаган. Лекин халқ буни эътироф этган. Бу унвонга 30—40 йилларда бирор йигит ё сазовор бўлолган, ё йўқ. Шу сабабли бундай олқиш олиш полвонлар учун маҳоратнинг энг юксак чўққиси бўлиб қолган. Мана, сизга курашимиз тарихидан бир лавҳа.

Энди яна битта лавҳа.

Курашчилар зали. Зал мухлислар билан лиқ тўла. Шаҳарнинг кўзга кўринадиган жойларига эълонлар осиб қўйилганлиги сабабли мухлислар сероб. Миллий курашнинг фарғонача ва бухороча усуллари бўйича жумҳурият мутлақ чемпионати ўтказилмоқда. Бу курашда 2 та вазн тоифаси мавжуд, яъни вазни 90 килограммгача бўлганлар ва 90 килограммдан оғир бўлган полвонлар беллашадилар. Ҳар иккала вазн ғолиблари биринчи ўрин учун беллашадилар. Мана, энг оғир вазнли полвонлар гиламга чақирилади. Беллашув вақти 8 минут. Курашнинг қисқача қоидаси шундай.

Агар рақибни ердан кўтариб қўйса 1 балл, кўтариб ёнига йиқилса 2 балл. Икки елкасини ерга текизса, унда соф ғалаба ҳисобланади. Курашнинг бундай ажойиб усулларини халқнинг ўзи ўйлаб топган.

Энди юқоридаги беллашувга қайтайлик. Ҳар иккала полвон ҳам усталик билан ўзининг усулини қўлламоқчи бўлди. Улардан бири рақибни ердан узиб кўтариб, йиқитишга келганда қийналиб қолди. Агар йиқитолмай, яна жойига қўйиб қўйса, рақиби унинг ўзини (кўтарган одам белини ушлатиб қўяди) орқага ташлаб юборади. Натижа шундайки, у рақибни кўтаргани учун 1 балл, орқага йиқилиб тушгани учун эса ҳеч нарса йўқ. Шу билан 8 минут тугади. 1:0 ҳисобида ҳалиги йиқилган полвон ютиб чиқди. Халқ эса гувиллаб шовқин солиб, норозилик билдирди. Қоида қоидалигича қолади-да. Бу биргина курашнинг тафсилоти, холос. Мусобақалар давомида қанчадан-қанча полвонлар орқасига йиқилиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганлар. Ҳозир ҳам шундай. Бухороча усулда кураш тушаётган полвонларнинг беллашуви эртароқ тугагани учун фарғонача усулни берилиб томоша қилаётган сурхондарёлик полвонларнинг ҳафсаласи пир бўлди. «Э, уккағар, бу қандайчанги кураш, жиғилган полвонди «жиғитди», деб кўтараяпти», дея норозилик билдиришди. Йиғилганларнинг кўпчилиги ҳам шу фикрда. Чунки улар доимо йиқитган полвонни ғолиб деб тан олардилар-да.

Мана, икки хил манзара. Энди уларни таққослайлик.

«Советский спорт» газетасининг бир сонида Ўзбекистонда миллий кураш бўйича ўтказилаётган мусобақалар жуда паст савияда бўлаётганлиги ҳақида ошкора ёзилди. Бунга сабаб, номдор полвонлар бундай курашларда қатнашмай, кўпинча тўйларда, халқ сайилларида курашадилар, деб бунга ҳар йили май ойида қўшни Қирғизистон ССРнинг Ўш вилояти Новқат ноҳиясида бўлиб ўтадиган икки кунлик халқ сайилини назарда тутишган эди. Савол туғилади. Бу сайилларда ҳамда тўйлардаги курашларнинг Ўзбекистонда ўтказилаётган расмий мусобақалардан қандай афзаллик томонлари бор экан?

Энг муҳими, бу сайилларни ўтказиш учун давлат томонидан ҳеч қандай моддий маблағ ажратилмайди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса ҳакамларни ҳам халқнинг ўзи сайлайди. Кўпинча бундай мусобақаларга энг машҳур кекса полвонлар ҳакамлик қиладилар. Чунки улар давлатнинг маошини олиб ишлаётган ҳакамларга қараганда анчагина адолатлида!

15-20 мингдан кўпроқ одам йиғиладиган бу жойда жамоат тартиби ҳам бузилмайди. Сайилга Ўрта Осиё жумҳуриятларидан таниқли полвонлар келишиб, халққа томоша кўрсатадилар. Полвонлар ҳар йили ўтказиладиган бу синовга йил бўйи қаттиқ тайёргарлик кўрадилар. Расмий мусобақада-чи? Юқорида келтирилган мисолларга ўхшаб аҳвол ниҳоятда чигал. Полвонлар ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этишолмайди. Яна қандайдир вазиятни мавҳум баҳолашларини айтмай қўя қолинг. Хуллас, бир талай асаббузарликлар. Ўртадаги тафовутни қаранг.

Бир вақтлар халқимизнинг ифтихори, ғурури, бебаҳо санъати жо бўлган кураш наҳотки мана шу икки-уч қатор қоидаларга қарам бўлиб қолган бўлса. Ахир, ўйлаб кўринг, рақибни ердан кўтариб олиш бу ҳали йиқитиш деган гап эмас. Ҳеч қайси кураш қоидасида икки елкаси билан йиқилган ва йиқилаётиб иккинчи рақибини оёғи ердан узилиб кетса, ғалабани ҳалиги йиқилган полвонга беришмайдику. Бундай бемаъни усулларни кимлар ўйлаб топган экан?

Қайта қуриш ишлари жадаллашаётган бир даврда миллий курашимизнинг бундай халқнинг талабига тескари бўлган қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш пайти етди. Бу усуллар муҳокама қилинаётганда ҳалиги бир ҳовуч «билимдонлар»нинг берган тавсиялари билан қаноатланиб қолмасдан, балки кенг жамоатчилик фикри билан ҳам ҳисоблашиб мукаммал қоидалар ишлаб чиқилса яхши бўларди.

Ҳ. ЭГАМОВ,
Ўзбекистон ССР спорт мастери.

ЭРКИН КУРАШ

Польшанинг Познан шаҳрида ўтаётган эркин кураш бўйича 54-Европа чемпионати ниҳоясига етай деб қолди. Беллашувларда мамлакатимиз полвонлари муваффақиятли иштирок этдилар. Ҳозирча улар ҳисобида 6 та олтин, 2 та кумуш медаль бор.


Новосибирсклик 22 ёшли Александр Карелин номи кўпчиликка таниш. У Сеулда бўлиб ўтган Олимпиадада ҳамда жаҳон чемпионатларининг ғолиби бўлган. Бу гал ҳам унинг омади келди. Болгариялик рақиби Рангел Геровский устидан соф ғалаба қозониб, учинчи марта Европада энг кучли полвон, деб тан олинди. Шунингдек, гроднолик Анатолий Федоренко, омсклик Сергей Суворов, саранcклик Геннадий Атмакин, ульяновсклик Павел Патапов, ростовлик Ислом Дугучиевлар ҳам ғолиблар сафидан ўрин олишди.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ

Голландия аёллар терма командаси Австралиянинг Канберра шаҳрида ўтказилган чемпионатда учинчи бор чемпион бўлишди. Улар ҳал қилувчи учрашувни олимпия чемпиони Австралия терма командаси билан ўтказиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Совет хоккейчи қизлари эса бу чемпионатда баъзи сабабларга кўра, иштирок эта олмадилар.







МАҲАЛЛАНИНГ БИР КУНИ

Ҳар бир маҳалланинг ўзига яраша қонун-қоидалари, тартиби бўлади. Албатта, бу белгилар маҳалланинг «темир китоби»га битилмаган бўлса-да, ҳарқалай уни жамоанинг ҳар бир аъзоси беш қўлдай билади. Пойтахтдаги Акмал Икромов ноҳиясининг Ҳабиб Абдуллаев номли маҳалласи ҳам бундан мустасно эмас. Бу ерда кексаларга ҳурмат, ёшларга эътибор, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизга меҳр билан ёндашишади. Хайрли ишларнинг бошида эса маҳалла қўмитаси, унинг фахрий аъзолари — қариялар туради. Ғалаба байрами арафасида бу ерда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар учун тадбир ўтказилди.

— Шундай қутлуғ кунда, Ғалабамизга улкан ҳисса қўшган кишиларни ёд этмасак, биз улар олдидаги инсоний бурчимизни адо этмаган бўламиз, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла қўмитаси раиси Аҳмад Исломов. — Афғонистонда бўлган йигитларимизни ҳам ёддан чиқармадик. Уларни ҳам бу тадбирга таклиф этганмиз.

Ўша куни уч ярим минг аҳолиси бўлган маҳалланинг 35 фахри — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари давра тўридан жой олдилар. Хонадонлар чин кўнгилдан тортиқ этган турли пишириқлар дастурхонни безади. Қутлуғ кунда палов қилиш азалий одатимиз. Бу сафар ҳам бу анъанага содиқ қолдик.

— Ноҳиямизда 32 та маҳалла бор. Унда 110 минг аҳоли яшайди, — дейди Акмал Икромов ноҳия ижроқўми ташкилий бўлим мудири Шуҳрат Вафоев. — Маҳалла намунали. Тинч. Шуни тан олиш керакки, аксарият маҳаллаларда муаммолар бисёр. Бу газлаштириш, телефонлаштириш, канализация ишини йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган масалалардир. 1990-95 йилларга ободонлаштириш мақсадида 24 миллион сўм ажратилган. Шу йилнинг ўзидаёқ жамоаларга 20 минг сўмлик совғалар, гўшт, чой, гуруч берилди.

Маҳалла қўмитаси ташаббуси билан ўз маблағи ҳисобига ўтказилган кечага ноҳия ижроқўми раиси ҳам ташриф буюрди. Ветеранларга фахрий ёрлиқлар ҳамда пул мукофотлари тақдим этилди.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: маҳалладаги хайрли тадбирдан лавҳалар.
МУАЛЛИФ суратга олган.



ТВ

17 МАЙ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Моддаларнинг тузилиши ҳақидаги тушунча. 12.00 «Богоявлень хазинаси». Телефильм. 12.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Ўсимлик ва атроф-муҳит.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Кўринмас оғу». Телефильм. 18.10 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Мультфильм. 18.30 Спорт кўрсатуви. Қиличбозлик. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши соврини учун мусобақалар. 19.00 «Хўжасизликка барҳам берайлик». Жумҳуриятимизда ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.25 Реклама. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув. 21.50 «Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси (рус тилида). 18.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч». 19.40 Реклама. 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳар бир оила учун».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Кечки кеп». 22.00 «Қирғоқ». Бадиий фильм, субтитр билан, 1-серия (СССР — ГФР, рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Ота-она ва болалари». Телевизион бадиий фильм. 9.15 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Исроил — СССР терма командалари. Исроилдан кўрсатилади. 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Темур ва унинг командаси». 1-серия (Одесса киностудияси). 16.20 Арман композитори А. Тертерян ижодига бағишланган фильм-концерт. 16.50 «Қувноқ стартлар». 17.35 Маданий алоқалар: СССР — Франция. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Парнас сари бир босқич». 18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30 Денгиз пиёдалари Президент оркестрининг концерти (АҚШ). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Режиссёр И. Кийск фильмлари. «Телбалик». («Таллинфильм»). 22.25 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 4-кўрсатув. 22.50 Жаҳон музейлар кунига. «Қойилмақом Дрезден». 23.30 «ТСН». Янгиликлар хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15, 9.25 «Киносаёҳатчилар альманахи». 8.35, 9.45 Табиатшунослик. 5-синф. Сув ўсимликлари ва жониворларнинг хилма-хиллиги. 8.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Биология. 7-синф. Сут эмизувчилар. 11.00 «Бурда моден» таклиф этади...»

* * *

12.00 Киноафиша. 12.30 Ритмик гимнастика.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Чегара жуда яқин» (Мурманск). 16.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 17.00 Ритмик гимнастика. 17.30 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Довюрак буғу боласи». 2-кўрсатув.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03217
Д. — 23465.